

ЧУСТИЙ

МУҲАББАТНОМА

ДЕВОН



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2013

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(59)6

Ч 92

Ўзб. араб.


Масъул муҳаррир
Ўзбекистон халқ шоири
Иқбол Мирзо

Чустий

Муҳаббатнома: шеърлар / Чустий: сўзбоши муаллифи Э.Воҳидов. — Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. — 148 бет.

FD 42359
281

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(59)6



ISBN 978-9943-03-553-9

© Чустий
© Гафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2013

ЧУСТИЙ ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳаёт йўлимда менга дуч келган ва тимсоли ҳаёлимда қолган кишилар ҳақида ўйлаганимда даставвал бундай дегим келади: у одам нуқсонлари билан бизга ўхшаш, аммо фазилатлари билан биздан фарқ қиларди, шу сабабли биз уни ҳурматлар эдик. Шундай ибратли кишилардан бири Чустий домла эди.

Чустий хушчақчақ, ҳозиржавоб ва дилбар инсон сифатида тасаввуримга муҳрланган. Мумтоз адабий мактаб анъаналари руҳида тарбия топган Чустийнинг собиқ совет даври шароитидаги ҳаётида кўпгина ёқимсиз ҳодисалар бўлгани маълум. Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчирилгани, асоссиз-асосли танқид ва таҳқирлар ҳар қандай ижодкорни "синдириши" мумкин эди. Аммо мен Чустий билан кўп маротаба ҳар хил шароитда учрашган бўлсам ҳам уни ҳеч қачон ҳазин, руҳан эзик, умидсиз ҳолда кўрган эмасман. Чустий ўз ғам-ғуссасини ичига юта биладиган, кишиларни ўзининг мотамига эмас, байрамига ҳамроҳ ва ҳамдам втадиган ажойиб инсон эди. Тоғам раҳматлининг хонадонида бўладиган суҳбатларда Чустий мумтоз адабиётнинг билимдони сифатида ҳам давранинг муҳаббатига сазовор эди.

Сўнгги учрашувимиздан қолган хотира сира эсимдан чиқмайди:

Тошкент атрофидаги хўжаликларнинг бирида, раиснинг дастурхони устида кўришганимизда, мен у кишидан ҳол-аҳвол сўрадим. У киши "қариялик гашти"ни сураётганларини гапириб, дарҳол аскияга кўчдилар:

— Менга ўхшаш бир қария табиб олдига келиб ўз аҳволидан нолиб: "Тез-тез белим огрийдиган бўлиб қолди", — дебди. Табиб:

“Бу — қарилқдан” — деб изоҳлабди. У киши яна кўзининг хиралаша бошлаганидан нолибди. “Бу ҳам қарилқ”, — дебди табиб. “Ўтирсам туролмайман, турсам ўтиролмайман”, — деб нолибди у киши. “Бу ҳам қарилқ”, — дебди табиб. Қариянинг жаҳли чиқиб: “Э, табиб бўлмай кет, нима десам, шуни қарилқ деяверасанми?” — деб бақирибди. Табиб пинагини бузмай жавоб берибди: “Бу гапингизга хафа бўлмайман, бу ҳам қарилқдан”.

Шу хушчақчақлик ва ҳаётта ҳақиқий шоирона мафтунлик фазилати туфайли Чустий Ўзбекистондаги машҳур шоирлардан бири бўлиб қолган эдилар. У кишининг буюк, кўп асрли шеърятимизнинг яхши анъаналари руҳида ёзилган шеърлари ҳофизлар томонидан дарров мусиқавий либосга кийинтирилар ва халқ орасида жуда кенг ёйилиб кетар эди. Янги давр шеърятининг вакиллари — Гафур Ғулом, Асқад Мухтор, Раъз Бобожон ва бошқалар Иккинчи жаҳон урушидан аввал ва кейин, асосан, халқимизнинг зиёлилари қисмида — айниқса, ёшлар орасида машҳур эдилар. У вақтда расман ман этилган газал жанрининг вакили бўлиш қатор газалнавис шоирлар каби Чустий ҳам кенг халқ оммаси орасида жуда катта шухрат қозонадилар.

Бу шухратда Чустийнинг ижтимоий фаолияти ҳам катта ўрин тутарди. Газалгўйлар орасида Чустий газаллари кундалиқ ҳаётимизнинг ҳамма масалаларига ҳозиржавоблиги билан ажралиб турар эди.

Фарҳод ГЭСи, Катта Фарғона канали, Каттакўргон сув омбори қурилишлари каби жараёнларда Чустий шахсан ва шеърлари орқали ҳозир у нозир эди.

Замонасининг етакчи кишилари билан дўстлашиши ва ҳамроҳлиги шоир шухратининг янада ортувига хизмат этар эди. Жуда кўп концертларда, тўй-базмларда, радиода ва матбуотда Чустий номининг тез-тез пайдо бўлиб туриши — ана шу умумхалқ муҳаббатининг изҳори эди.

Адабиётимиз тарихида бутун бир авлод жавлон урганки, унинг хизмати ҳали ўзининг тўла баҳосини олган эмас. Ўтган асрнинг

20-йилларида бизнинг бой маданий ва адабий меросимизга ихлосимиз қораланди, ўтмиш маданиятимизни ўрганиш ман этилди. Кейинроқ бу соҳада анча енгиллик пайдо бўлган бўлса ҳам, аввалги салбий муносабатнинг касофати маълум даражада сезилиб турди ва меросимизни ҳақиқий кенг миқёсда ўрганишга тўсиқ бўлди. Ҳатто олтишинчи йилларда ҳам, масалан, минг йиллик шеъриятимизнинг шакли бўлган арузга салбий муносабат расмий равишда “катталар”нинг нутқ ва мақолаларида аниқ изҳор этилган.

Узоқ давом этган ана шу инкорчилик шароитида Суфизода, Хуршид, Ҳабибий, Чархий ва Чустий каби шоирлар мумтоз адабиётимизнинг анъаналарини давом эттирдилар ва бу анъаналарнинг ҳаётийлигини исбот этишдан тўхтамадилар. Уларнинг ижоди ўз қудрати ва маҳорати, айниқса, халққа яқинлиги билан ёш шеърини явлодни ҳам анъанавий шеър ёзишга даъват этди.

Шундай қилиб, Чустий ва унинг ҳамкорлари ўтмиш адабиётимиз ўртасига кўприк солиб бердики, бу жасур қадам ва катта тарихий хизматдир. Бу тарихий хизматнинг аҳамияти ҳақида ҳали қатор-қатор илмий тадқиқотлар ёзилади. Ана шунда Чустий каби истеъдодли шоирларнинг маданиятимиз тарихига қўшган ҳиссасининг улугворлиги яна ҳам равшанроқ бўлиб қолади.

Эркин ВОҲИДОВ,

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

КҮНГИЛ САДОСИ

Ҳақиқий ошно пайдо булур бегоналардан ҳам,
Бироқ бегона пайдо булгуси ҳамхоналардан ҳам.

Ҳақиқат булса сўз, оламдаги ҳар нарсадан ортиқ,
Унинг ҳар ҳарфи қийматроқ турар дурдоналардан ҳам.

Деди Лайло, менинг Қайсимни ҳеч ким айб этолмайдур,
Чиқар оқил киши Мажнун каби девоналардан ҳам.

Фидо булгил, деди халқим, дедим, минг марта булсамчи,
Садои боракалло чиқди кўп мардоналардан ҳам.

Саодатнинг баҳори ер юзига ёғду сочмоқда,
Кулиб қомат кўтаргай лолалар вайроналардан ҳам.

Муҳаббат булмаса, меҳригиёҳ унгайму туфроқдан,
Ёзиб ут элга, Чустий, меҳрибон жононалардан ҳам.

РАМУЗ

Гул юзинг фасли баҳор, лаълинг, яногинг фасли куз,
Кўзларим сайрига тўймас, бўлса умрим мингу юз.

Ун саккиз йилдир лабингнинг чашмасидан сув ичиб,
Ташнаман, дейди ҳамиша лаб ялаб холинг ҳануз.

Лаб аросидан тилинг чиқди, ширинлик олди қарз,
Мен дедим, беркинмагил, қайтиб чиқиб қарзингни уз.

Майли бузсанг ҳам дилим кошонасин шўхлик қилиб,
Розиман, аммо демасман мен билан аҳдингни буз.

Толмагум, ишқинг юки ҳар қанча бўлса, ортабер,
Мен эмас ер куррасин шохига қўндирган ҳўкиз.

Паст эмас ё шўр эмас ишқинг таомининг тузи,
Тушмасин ҳеч кимсанинг бир умр ҳалвосига туз.

Қайнатар дарё сувини томса гар қайноқ ёшим,
Тош эриб оққай бўлиб сув, қолмагай дунёда муз.

Гоҳи-гоҳи илтифотинг менга махфий бўлса бас,
Мен демам, қошингни уйнат, гамза қил, кўзингни суз.

Си юзида, билмадим, Чустий, маломат доғи бор,
Бўса олган қайси лабдир, бўса берган қайси юз.

ОЁГИН УЎДИ

Ёримни тоғ насими олтин тарогин ўпди,
Қайрилган икки қоши бодом қабогин ўпди.

Рақс этди бу чаманда ё кукка қилди парвоз,
Ақлим кетиб йиқилдим, сийнам оёгин ўпди.

Ишқ заргари эритди, дилдан ясади сирга,
Арз этгали осилди, икки қулогин ўпди.

Саф-саф бўлиб ситора қуршалди моҳитобон,
Ой хуснин ўпти юлдуз, кўзда чирогин ўпди.

Қандай жаҳонда хушбахт ёр ушлаган пиёла,
Бир лаҳза ичра уч бор шаккар дудогин ўпди.

Куз мардумидин икки оқилни элчи қилдим,
Остони лаъли шул деб нуқра томогин ўпди.

Ширинлигини билди ҳар бир қадамда Чустий,
Босган изи шудир деб Фарҳод тогин ўпди.

ТАЪРИФ ҚУШИ

Таъриф қуши ошолмас қудратли тоғимиздан,
Ою қуёшу юлдуз кетмас равоғимиздан.

Зулмат қочиб, албатта, Ватан бўлур мунаввар,
Ҳар бир юракда иймон — ўчмас чароғимиздан.

Мардона халқимизнинг ҳар қайсиси богбондир,
Термоқда турли эллар гулдаста боғимиздан.

Оллоҳ сўзи жаҳонда ҳар нарсадан улутроқ,
Дилларга номи манқуш зарралик чоғимиздан.

Яхши бўлса, ер ошин, ёмон бўлса, бошини,
Ҳар қайси зулм қилгувчи ўлгай яроғимиздан.

Урнаб тинчу омонлик, Ватан бўлур гулистон,
Обиҳаёт ичарлар дўстлар булоғимиздан.

Эркинлик неъматига бўлганда биз муносиб,
Чустий, келиб истиқлол ўлгай ёноғимиздан.

СЕНДАН БУЛАКНИ СЕВМАДИМ

Эй нигорим, ҳеч қачон сендан булакни севмадим,
Айла юз минг имтиҳон, сендан булакни севмадим.

Сайр бог этдим, муродим сен эдинг, гуллар эмас,
Қилмагил мендан гумон, сендан булакни севмадим.

Бокмадим, ою қуёш қуз-қуз қилур ўз ҳуснини,
Шоҳидим ёруғ жаҳон, сендан булакни севмадим.

Ноз этарсан, нозанин, хобимда ҳам, унгимда ҳам,
Ростин айтарман, инон, сендан булакни севмадим.

Бир қиё боқ, бир эмас, минг марта қурбонинг бўлай,
Сен ўзинг жисмимга жон, сендан булакни севмадим,

Яхши бил, сенсиз ширин бўлмас ҳаётим ҳеч қачон,
Мисли йуқ ширин забон, сендан булакни севмадим.

Хоҳи билгил, хоҳи билма, ошиқингман Чустидек,
Қуп замон бўлгил омон, сендан булакни севмадим.

ГҮЗАЛ КҮЗЛАР

Кузингдек куз жаҳонда кўрмади асло гўзал кўзлар,
Сенингдек қанча минг асрида бу дунё гўзал кўзлар.

Биёбон кезди Мажнун, нега бўлди мунча овора?
На Мажнунким, бу водийда кезиб Лайло гўзал кўзлар.

Кўзи шаҳло кийикни қанча сарсон этди саҳрода,
Улар ким, ошиқидан асли бепарво гўзал кўзлар.

Ғанимат ёшлигинг, кел, ўтмасин вақти баҳор энди,
Сенинг йўлингга тикди лоладин саҳро гўзал кўзлар.

Ёзарда қилқаламдек киприкинг жонон боқиб сенга,
Деюр, оламини қилди ўзига шайдо гўзал кўзлар.

Дема, бу осмон тунда саноқсиз чилчироқ ёқди,
Кузинг кўрмоққа очмиш олами боло гўзал кўзлар.

Шимолу ғарб, шарқингда кўринди сенга Қашқар ҳам,
Дилингдан жой олибдир, Чустий, нурлар ё гўзал кўзлар.

АРУЗ ИЛҲОМИ

Қадимий бир булоқ борки, уни қайнар булог дерлар,
Тубида қанча гавҳар бор, уларни шабчиноғ дерлар,
Сувидан баҳра топган дашту саҳроларни боғ дерлар,
Бу боғлар тарихини икки минг йилдан узоқ дерлар,
Очилган ранг-баранг гуллар тикансиз, бебутоғ дерлар.

Бу боғ бир илм эрур, боғбонлари шул фанда моҳирлар,
Тафаккур мулкининг майдонида тенгсиз баҳодирлар,
Бу фан тахтида султонлар халойиқ ичра нодирлар,
Ёзиб қолдирдилар бизга буюк устоз шоирлар,
Асарлар турли ўлчовларда чексиз тоғ-тоғ дерлар.

Аруз ваэнига устозсиз қўл урмоқ булҳавасликдир,
Ҳавас яхши, вале пасту баландин пайқамасликдир,
Улар ашъорларин боғи деярли хору хасликдир,
Узун-қисқа қаноти, қушлари балки қафасликдир,
Тани бор бўлса ҳам бебошу бекўз, беқулог дерлар.

Бу фанни ўрганиш, қунт айласа, амри маҳол эрмас,
Ғазалда сакталик нуқсон эрур, ҳусну жамол эрмас,

Буқун кўзга кўринган баъзи ёш ҳам баркамол эрмас,
Булакларга не ҳам дерман, улар нозик хаёл эрмас,
Газал дерларку оқсоқдир, керак қўлтиқтаёғ дерлар.

Ҳижода майли Пушкин бўл, арузда бўл Навоийдек,
Қайу ўлчовда ёзсанг, хизмат айла элга турмай тек,
Ва лекин этма манманлик, улуг мақсадга бўйнинг эг,
Шарафли ишга ҳисса қўшгали ўлчовни қилмам чек,
Шунингчун ер юзида бизни яхши ҳамсабоқ дерлар.

Бу маълум, уста одам: мен сира душман эмасман, — дер,
Ва лекин меваларга йўл топилса, аста қуртдек ер,
Ҳижочию арузчи дўстлар, игвога барҳам бер,
Хунарни йўлга сол, манзилга етгил, сўнгра кўкрак кер,
Бу фаннинг ҳар турин ҳам бир-биридан яхшироғ дерлар.

Деёлмасман ўзимни мақтаниб гўёки Бобурман,
Камина Ўзбекистонда тугилган аҳли шоирман,
Тахаллус не керак, ушбу мухаммас бирла зоҳирман,
Аруз вазнини ўрганмай бузувчиларга нозирман,
Мани бул қаҳқаҳамдан эл ҳамиша вақти чоғ дерлар.

ЮРАГИМ СЎЗИ

Ватаним чаман, чаманим Ватан,
Эшит, эй жаҳон, деганим деган.

Неки истасанг, ватанимда бор,
Ҳамма қошу кўз, ҳамма дўсту ёр,
Доим яшнаган, киши ҳам баҳор,
Бу каби ватан яна қайда бор?

Ватаним чаман, чаманим Ватан,
Эшит, эй жаҳон, деганим деган.

Кишиларга йўқ ситамим менинг,
Сира йўқ гаму алашим менинг,
Фалак устида қадамим менинг,
Элу ҳамдамим қаламим менинг.

Ватаним чаман, чаманим Ватан,
Эшит, эй жаҳон, деганим деган.

Асалим ҳаёт, газалим ширин,
Севарим гузал, жуда нозанин,

Юзидир қуёш, сўзи оташин,
Ҳамма ҳам қўриб, деди офарин.

Ватаним чаман, чаманим Ватан,
Эшит, эй жаҳон, деганим деган.

Келадур қатор беҳисоб сана,
Ҳаммаси зафар, ҳамда тантана.
Усамиз яна, усамиз яна,
Ана шодлигу ана бахт, ана.

Ватаним чаман, чаманим Ватан,
Эшит, эй жаҳон, деганим деган.

Урмимиз нуқул тунсиз кундузи,
Юзимиз қуёш юзининг ўзи,
Бизга тушгандир Оллоҳнинг кўзи,
Бу сўзинг, Чустий, юрагим сўзи.

Ватаним чаман, чаманим Ватан,
Эшит, эй жаҳон, деганим деган.

КАМТАРИН БЎЛ


Бошингда бахт тожи камтаринлик,
Эрур давлат ривожи камтаринлик.
Камолим безавол бўлсин десанг гар,
Бу мақсаднинг иложи камтаринлик.

Бўлай десанг кўзу қош, камтарин бўл,
Баланд бўлсин десанг бош, камтарин бўл.

Кишига мен фалон, деб урмагил дўқ,
Сахий ерга қара, манманлиги йўқ,
Тасаввур қил, у қанча камтариндир,
Сенга бори тасаддуқ, эй тасаддуқ.

Бўлай десанг кўзу қош, камтарин бўл,
Баланд бўлсин десанг бош, камтарин бўл.

Фалак бўлса маконинг, янги ойдек
Ҳамиша ҳурмат айлаб элга бош эг,
Қуюндек ҳовлиқиб бошинг кўтарма,
Керак эрмас жаҳонга жон ила бек.



Булай десанг кўзу қош, камтарин бул,
Баланд булсин десанг бош, камтарин бул.

Азим дарё булолмайсанму, сой бул,
Қуёшдек нур сочолмайсанму, ой бул,
Сени кўрганда эл қалби ёришсин,
Ҳамиша раҳмату ҳурматга бой бул.

Булай десанг кўзу қош, камтарин бул,
Баланд булсин десанг бош, камтарин бул.

Қозонда қайнаю, чиқма кўпикка,
Узингни ҳовлиқиб қўйма кўрикка,
Бутун олам эли унга куларлар,
Агарда кимки хол қўйса ўликка.

Булай десанг кўзу қош, камтарин бул,
Баланд булсин десанг бош, камтарин бул.

Агар ҳар нарса тўлмас, у тўкилмас,
Тўкилмайман, деган ортиқча тўлмас,
Бу сўзни қанча донолар дегандир,
Амал қилган киши қадди букилмас.

Булай десанг кўзу қош, камтарин бул,
Баланд булсин десанг бош, камтарин бул.

Қилмайди манманлик одам дурусти,
Агарчи мансаби мансаблар усти,

Камимни эл кўрар кўп ўрнида, дер,
Камина камтарин, хокисор Чустий.

Булай десанг кўзу қош, камтарин бўл,
Баланд бўлсин десанг бош, камтарин бўл.

КАСАЛ ТИЛИНГДА

Қоматни расо қилиб кийим кий,
Қўйлак этаги узун эса, қий,
Наслинг сени хоҳи бек, хоҳи бий,
Ҳурматланаман десанг, тилинг тий.

Не бор, биласан ўзинг дилингда,
Бизлар биламиз — касал тилингда.

Коминг-ку тилинг тигига қиндир,
Озорга уни чиқарма, синдир,
Балки сен учун бу иш қийиндир,
Баъзида қалампир ҳам шириндир.

Не бор, яширин сиринг дилингда,
Бизлар биламиз — касал тилингда.

Ҳийла била ёшлама кўзингни,
Елгон била булғама сўзингни,
Оқлашга урун еган тузингни,
Нафсингга қул айлама ўзингни.

Не сир, биласан узинг дилингда,
Бизлар биламиз — касал тилингда.

Овқату кийимга сен эмас зор,
Шукр айламасанг, эл ичра сен хор,
Рузгоринг ишида булма айёр,
Миннат берадир кишига озор.

Не сир яширин ётар дилингда,
Бизлар биламиз — касал тилингда.

Хурмат эвази ҳамиша хурмат,
Раҳмат эвази ҳамиша раҳмат,
Меҳнат эвази ҳамиша роҳат,
Хизмат эвази ҳамиша давлат.

Дардинг яширин сенинг дилингда,
Бизлар биламиз — касал тилингда.

Гуёки узингча осмонсан,
Бегонапарасту бадгумонсан,
Дустни танимай сирни ниҳонсан,
Душманга яқину меҳрибонсан.

Сир бор яширин сенинг дилингда,
Бизлар биламиз — касал тилингда.

Соз сўзла, илон чиқар инидан,
Тик сўзла, пичоқ чиқар қинидан.

Жоҳил чиқадир узин динидан,
Нодон кечадир аго-индан.

Не бор, биласан узинг дилингда,
Бизлар биламиз — касал тилингда.

Кибрингни йўқоту камтарин бул,
Ҳар сўзга буришма, беажин бул,
Сен ташла пичингни, бир ширин бул,
Ҳар шахсга ипак каби майин бул.

Қолмайди губор сира дилингда,
Бозорда эмас асал, тилингда.

Эр бўлса қупол, арақ ичувчи,
Сой бўлмаса ҳам этик ечувчи,
Сен яхшисан бул гуноҳ кечувчи,
Бул обрў либосини бичувчи.

Эр меҳрини сақлагил дилингда,
Қушнига ёмонлама тилингда.

Одам бўладир адабли одам,
Айбини билар ҳаётда кам-кам,
Раҳмат сенга дейди буткул олам,
Эл қойилу сенга, Чустий мен ҳам.

Пандимни эшит, сақла дилингда,
Доим эрисин шакар тилингда.

УЙЛАГАНИМСАН

Қандим, асалим, э гўзалим, қалбу таннимсан,
Севдим сени мен, сен мени севган Ватанимсан.

Жисмингда ширин жонману, жонсан баданимда,
Ҳам қошу кўзим, тилдаги ширин суханимсан.

Порлоқ чаманинг сайроқи булбуллариданмен,
Халқим юзи турли гулу, сўлмас чаманимсан.

Ой қизлари ўйнайди кулиб саҳналарингда,
Ҳар лаҳзада сен бирламону, ўйлаганимсан.

Тинчлик қуши чин маърифатинг боғида сайрар,
Сен дониш элин маркази ҳам илму фанимсан.

Чустий газалин жилвасидир ҳусну жамолинг,
Севдим сени мен, сен мени севган Ватанимсан.

ЮРАК ДАФТАРИМДАН

Бахтиёрман, севганим сен, хуш ҳаво, сўлмас чаман,
Сайр этурман, йўлда санчилмас оёгимга тикан,
Гул тутар ўз ёрига гуллар аро ҳар гул бадан,
Жону дилнинг роҳати, севдим дилу жоним билан.
Ургулай сендан, Ватан, озод Ватан, обод Ватан.

Таърифингдан сўзласам, комимда қанд ҳосил бўлур,
Завқ билан шеърим шакар лаблар ўқиб қойил бўлур,
Жон фидо фарзандларингга, мунча ҳам қобил бўлур,
Ҳар бир авлодинг етук олим бўлур, фозил бўлур,
Маърифатнинг манбаи озод Ватан, обод Ватан.

Бахту иқболу саодат, толеим корхонаси,
Сенда бу мангу бинолар тилладан остонаси,
Юз яшарларни кўрарман, беажин пешонаси,
Олам-олам бир-бирига тортиги, тўёнаси,
Багри туйхона Ватан, озод Ватан, обод Ватан.

Тогларингда сакрашур кўзи қаро оҳуларинг,
Боғларингни яшнатур кўкдан зилол ёғдуларинг,

Тансиҳатман, негаким дардга даводур сувларинг,
Эл лабида гулларингдек доимо кулгуларинг,
Шод Ватан, порлоқ Ватан, озод Ватан, обод Ватан.

Лаззатин қайдан топар комим Самарқанд олмасин?!
Мисли йўқ ҳаргиз Наманган анжири, қандай ширин!
Қирқмаю, мирвоқиси шаккар, Қуқонга офарин,
Бир жаҳон берса, алишмасман бу боғлар ҳеч бирин,
Чустий ўғлингман, Ватан, озод Ватан, обод Ватан.

КИМ ЕТДИЮ, КИМ ЕТМАДИ

Бу зафар дунёсига ким етдию, ким етмади,
Мақсадин маъносига ким етдию, ким етмади.

Қонлари гул бўлди хурлик қасрининг деворига,
Бу бино оросига ким етдию, ким етмади.

Ҳар бир инсон борки, унда турли-турли орзу,
Орзусин ашёсига ким етдию, ким етмади.

Ҳамсафарлармиз бу йўлда барчамиз олдин-кейин,
Гулшанин зебосига ким етдию, ким етмади.

Баъзи-баъзи дилрабо етди ўзин шайдосига,
Ёри бепарвосига ким етдию, ким етмади.

Баъзилар тоғлар кесиб, чулларни бўстон этса ҳам,
Ширину Лайлосига ким етдию, ким етмади.

Илму дониш мактабин фаҳм айлаганлар беҳисоб,
Илмнинг авлосига ким етдию, ким етмади.

Бир улуг давронга етдикким, бунинг тимсоли йуқ,
Даврининг аълосига ким етдию, ким етмади.

Қарзимиздир етмаганлар руҳини шод айламак,
Бу фикр ижросига ким етдию, ким етмади.

Чустиё, шукр айла, қондирди сени Баҳрун-нажот,
Бу шараф дарёсига ким етдию, ким етмади.

КИМ КЕЙИН, КИМ ИЛГАРИ

Барчамиз бу йўлда, аммо ким кейин, ким илгари,
Билмаган ҳеч қайси доно ким кейин, ким илгари.

Гоҳи ой олдин ботар, гоҳи қуёш ундан бурун,
Бу қизиқ одатли дунё, ким кейин, ким илгари.

Сев ҳаётингни, азизим, майли унга меҳр қўй,
Лек мағрурланма асло, ким кейин, ким илгари.

Барча ҳам кетмай яшашни доим айлар орзу,
Бу фақат дилда таманно, ким кейин, ким илгари.

Урмимиз худди оқар сувдек оқиб бормоқдадир,
Етгуси манзилга, ошно, ким кейин, ким илгари.

Кексаму соғму касалму ёшму, билмас кетмогин,
Булмаган ҳал бу муаммо, ким кейин, ким илгари.

Охиратдан беҳабар ҳар бир маломат аҳлининг,
Солгуси қалбига гавго "Ким кейин, ким илгари".

Балки кетмасман демасдан юрту элни рози қил,
Менму ё сенму, мабодо, ким кейин ким илгари.

Чустиё, пайсалга солмасдан дилингни пок тут,
Бул мудом софу мусаффо, ким кейин, ким илгари.

ҚҰРҚ

Элига айлаган ноҳақ жафодан қўрқмагандан қўрқ,
Шу боис бошида тийғи жазодан қўрқмагандан қўрқ.

Ота ҳаққи, она ҳаққи, надур халқу Ватан ҳаққи?
Балодур интиҳосиз, ул балодан қўрқмагандан қўрқ.

Ҳаёсиз, беадаб, бадхулқу беорлик туфайлидан,
Ҳамиша йўлда учрар можародан қўрқмагандан қўрқ.

Гадога хайр айла, мустаҳиқ бўлса, қуруқ қуйма,
Валекин нафсибад отли гадодан қўрқмагандан қўрқ.

Гараз, игвою тухмат энг ёмон битмас балодандир,
Ҳазар айла мудом, бундай хатодан қўрқмагандан қўрқ.

Адолат тийгидан ким қўрқса, ундан қўрқмагил, Чустий,
Адолат тийгин ургучи худодан қўрқмагандан қўрқ.

ЙЎҚОЛМАЙСАН

Элинг севса, агар дунёдан ўтсанг ҳам, йўқолмайсан,
Севилмай кўзни юмсанг, балки роҳатда ётолмайсан.

Азиз дўстлар учун шеърим муаммо бўлмади ҳаргиз,
Самимий бўлмасанг, фикрим тилсимотин очолмайсан.

Кўмиб бўлмайди ҳатто сояниким, соя асли бор,
Кўтарма доманинг, ойни этак билан ёполмайсан.

Ярашмас майдасўзлик сенга асло, эй расо қомат,
Сенга сигмайди, гўдаклар либосини киёлмайсан.

Ширин суҳбатни жоҳил бирла нодондан умид этма,
Қалампирдан шакар, ҳаргиз, заҳардан бол ололмайсан.

Уялмасдан ҳамиша ҳар нечук хизматга бел боғла,
Уялмай ишласанг, дўстим, эл олдида уялмайсан.

Агар сен қанчалик сермева, серҳосил дарахт бўлма,
Қадалса илдинг тош устига, унда ўсолмайсан.

Ватан бир бог эрурким, бунда тошлоқдан асар йўқдир,
Шу богда ўсмасанг, тарих богида сен қололмайсан.

Назаргоҳингда, эй дўстим, кўринмай қолса гар Чустий,
Уни эл қалбидан изла, бўлак жойдан тополмайсан.

ЯХШИ ОТА-ОНАДИР

Борлигининг посбони яхши ота-онадир,
Йуқлигининг ош-нони яхши ота-онадир,
Ҳар ўғил-қиз хонумони яхши ота-онадир,
Давлати, жону жаҳони яхши ота-онадир,
Меҳрибонлар меҳрибони яхши ота-онадир.

Огригай бошдин оёғи огриси бошинг, бироқ
Барча дардинга даво излайди сендан эртароқ,
Усту бошинг янгилайди, ранжигай тушса ямоқ,
Шундай ота-оналарнинг юзига қўйма оёқ,
Қадрдонлар қадрдони яхши ота-онадир.

Аввало, мактабдаги устозлар устози ҳам,
Тарбият осмонининг учқур, баланд парвози ҳам,
Ақлу одоб ўргатгувчи оқилу мумтози ҳам,
Маънавий ҳуснинг жилоси, равнақи, пардози ҳам,
Хонадон ширин забони яхши ота-онадир.

Дилга яхши ота-она меҳридан ўтқиз ниҳол,
Унга бер виждон булогидан мудом оби зилол,
Парвариш қил, яшнасин, илдиз ёйиб топсин камол,
Ёзу қиш бирдек етилган мевасидан баҳра ол,
Чустининг жону жаҳони яхши ота-онадир.

ОТА ҲУРМАТИ

Эшит пандим, йигит-қизлар, отанг энг меҳрибонингдур,
Отанг пушти паноҳинг, раҳбаринг ҳам соябонингдур,
Отанг дустинг, отанг фаҳринг, азизинг, жонажонингдур,
Ҳаёт богида устирган ҳақиқий боғбонингдур,
Қуёш бўлсанг агар сен, бошинг узра осмонингдур.

Отангни ҳурмат этсанг, ҳурматинг эл қалбига тўлгай,
Бошинг осмонга етгай, бахту иқболинг баланд бўлгай,
Зафар ёринг бўлиб, омад сени бошингдан ўргилгай,
Ота қалбини ранжитган киши эл ичра хор ўлгай,
Отанг хурсандлиги чин иззатинг, рангингда қонингдур.

Отангга хизмат айлаб, эл аро энг яхши одам бўл,
Онанг берган сутин оқла, унинг дардига малҳам бўл,
Ўзал одобу ахлоқинг билан машхури олам бўл,
Қариб пири бадавлат оталар ёнида сен ҳам бўл,
Отангга хизматинг тарихда бир ному нишонингдур.

Отангнинг ҳар сўзи қалбинг аро ёнган чироқ бўлсин,
Олар тупрогинг олтин бўлсину, умринг узоқ бўлсин,
Отанг олқишлари эл хирмонидек тоғ-тоғ бўлсин,
Амал қилган йигит-қизлар мудом оламда соғ бўлсин,
Бу сўз Чустий тилидан шарҳ этилган дostonингдур.

ФИДО БЎЛДИМ

Қуёшдан нур олиб беҳад қувондим, маҳлиё бўлдим,
Элим яйратди бағрида, севиб мен ҳам фидо бўлдим.

Ҳаё бахш айлади идроку одобу садоқат ҳам,
Ҳамиша тўғри бўлдим, ҳаётимдан ризо бўлдим.

Қўлимдан ушлади ақли расолар, раҳнамо бўлди,
Уларга эргашиб бордим, самимий ошно бўлдим.

Ҳаётим боғида бахтим дарахти бўлди сермева,
Ҳалол меҳнат гулистонида гулдек сержило бўлдим.

Дилимни қолмади бир зарра ҳам армони дунёда,
Кўнгил равшан, кўзим равшан, мудом соҳибзие бўлдим.

Мени ардоқлаб ўстирган ҳаётдан ўргилай, Чустий,
Назар қилди элим, тупроқ эдим, бир кимё бўлдим.

НОЛИМА

Ногаҳон тақдири ҳодис берса озор, нолима,
Ҳар бўлар-бўлмас учун беҳуда, бекор нолима,
Соя бермас-ку, дебон бу тоғу тош, зор нолима,
Кел, азиз дўстим, ганимат бизга дийдор, нолима,
Маълум эрмас эртага бошингда не бор, нолима.

Қул-оёгин жони йўқ, тилсиз ётар, кўкка боқар,
Бу аламдан қалбига ҳар лаҳза минг оташ ёқар,
Бош-оёгин гўё ҳар бир дамда минг гаждум чақар,
Этгани гоҳи ишорат биргина киприк қоқар,
Бу мусибат сенда йўқ, шукр айла бисёр, нолима.

Турт мучанг соғу саломат, ёру дўстлар ҳамнафас,
Хонадонинг равнақи ҳеч хонадондан кам эмас,
Меҳнатинг ҳам, бахту иқболу ироданг дастрас,
Умр аро аммо амалга ошмаса баъзи ҳавас,
Ранжима, сабр айлагил, зинҳор-зинҳор нолима.

Ибрат ол ҳар бир қадам, бу олам ибрат мактаби,
Хор этар, албатта, ноинсофликнинг маъзаби,

Ҳар хаёли хом келса, енг-у, бўлма мағлуби,
Не қилур учган эса чинни пиёлангнинг лаби?
Гоҳи кам, гоҳида бут бўлгуси рўзгор, нолима.

Шол эмассан ё соқов, сўзда тилинг бурро сенинг,
Чиқмаса рўёбга баъзи истагинг гоҳо сенинг,
Чунтагингда бўлмаса ҳам майлига тилло сенинг,
Соглигингу тинчлигинг бир гавҳари якто сенинг,
Қадрини билгил, бу давлат бўлса даркор, нолима,

Баъзида ош, баъзида нон, баъзида янги либос
Бўлмаса, нолишни қўй, ҳовлиқма-ю ўпкангни бос,
Ризқу рўзингу либос ҳам топилур, қилма ҳирос,
Барчасин мавжуд этишга тансиҳатликдур асос,
Беқиёс шукр эт, сиҳатлар ичра сен бор, нолима.

Қузу қошингдек яқинлар қийматидир бебаҳо,
Сен уларга оқибат қил, оқибат қил доимо,
Эл аро беоқибатни дейдилар: Бу норасо,
Ушбу мавзуда сўзим мингдан биридир, Чустийё,
Роҳатин кутгил ҳаётдан, чексанг озор, нолима.

ЖОН УҒЛИМ

Мен айтай, жон қулоғи-ла эшит пандимни, жон уғлим,
Амал қилсанг сўзимга, зарра кўрмайсан зиён, уғлим.

Дилингни ота-она меҳри нури-ла мунаввар қил,
Қолур сендан жаҳонда яхши бир ному нишон, уғлим.

Жиёнат қилма халқингга, жиноятдан ҳазар айла,
Садоқат кўрсатиб бўл элга машхури замон, уғлим.

Синов бермай киролмайсан ҳаёт дорулфунунига,
Узингдан ҳар куни бир марта олгил имтиҳон, уғлим.

Вафоли оилангни камситиб ҳолин хароб этма,
Узин боғини вайрон айламас ҳеч боғбон, уғлим.

Қўл югуриклиги ошга, тил югуриклиги бошга
Етар дерлар, бу сўз ҳақ, қилмагил ҳаргиз гумон, уғлим.

Борар жойинг қаерда, билмасанг, манзилга етмайсан,
Адашгай ноаниқ йўлдан борувчи карвон, уғлим.

Ҳалол булсанг, ҳалол топсанг, ҳароми номин олмайсан,
Уқиб билганларим мингдан бирин қилдим баён, уғлим.

Эшитсанг, балли, устозингга минг раҳмат, дегай Чустий,
Камолингга етиб, минг йил яша соғу омон, уғлим.

АҚЛИ РАСО БЎЛСИН

Севишган ҳар йигит-қиз, аввало, ақли расо бўлсин,
Куёв бирлан келинчақда вафо бўлсин, ҳаё бўлсин.

Севишмоқ яхши, севсин, уйнасин, кулсин муродича,
Ва лекин бу севишдан ота ҳам она ризо бўлсин.

Қуёш бўлса муҳаббат осмонида йигит хусни,
Садоқат осмонида келинчақ маҳлиқо бўлсин.

Йигитнинг қалби қизнинг қалбига дорушифо бўлса,
Йигитнинг қалбига қиз қалбида доим даво бўлсин.

Иков ҳам тил учуда ошноликдан ҳазар айлаб,
Ҳақиқий бўлсин ишқи-ю самимий ошно бўлсин.

Алишерлар, Улугбеклар тугилсин, Ибни Синолар,
Тугилсин Нодира, Зуҳро, бири Зебуннисо бўлсин.

Бўлиб иқболу омад, бахту толе ёру хизматкор,
Юзи ёруғ, сўзи ўткир, ҳамиша дилрабо бўлсин.

Бу истаклар учун меҳнат, матонат бўлгуси раҳбар,
Амал қилган йигит-қизларга эл жони фидо бўлсин.

Бўлиб пиру бадавлат, айласин тўй устига тўйлар,
Келиб табрикламоққа Чустидек шоир ого бўлсин.

ОҚИБАТНИ КИМ БИЛУР?

Эй тафаккур оламида фикри дарё дўстлар,
Бир саволимга жавоб бергайму доно дўстлар,
Билгали бир сир иложи борму асло, дўстлар,
Ҳайратимни орттирар ҳар дам бу дунё, дўстлар,
Телба этмасму мени охир бу савдо, дўстлар.

Умримиз лавҳига ёзган турли хатни ким билур,
Қанчадан-қанча фараҳ, қанча галатни ким билур,
Одам аҳлидан ниҳоний хайриятни ким билур,
Билмаган соҳибкаромат оқибатни ким билур,
Ғойиб илми-ла ёзилмишдир бу иншо, дўстлар.

Билмадимки, қанча умрим, қайда туфрогим қолур,
Билмадим, мендан кейинроқ қайси ўртогим қолур,
Туну дўппим кимга қолгай, кимга белбогим қолур
Боғу роғим кимга қолгай, ким учун доғим қолур,
Бу муаммо, бу муаммо, бу муаммо, дўстлар.

Билмадим, бир томчи сув кимдан бўлур менга насиб,
Ким куяр ҳолимга-ю, кимлар бўлур менга ҳабиб,

Билмадим, давлат-ла ўтгайманму ё мискин, гариб,
Бу таажжубдир, таажжубдир, таажжубдир, ажиб,
Менга пинҳон, кимга маълумдир бу маъно, дўстлар.

Оқибатнинг чеҳраси шундай узоқ, пинҳон экан,
Қанча донишманд эса, бу маънида нодон экан,
Ҳай дариг, оз вақт учун инсон азиз меҳмон экан,
Қолса яхши номи элда, Чустий беармон экан,
То абад қолгай юракларда бу сиймо, дўстлар.

УЗМА ҲАРГИЗ

Дўстлик танобин элдан эр бўлсанг узма ҳарғиз,
Шоҳ бўлса ҳам бошингда, одамни сузма ҳарғиз.

Обру иморатининг девори яхши ният,
Десанг бузилмасин бу, ниятни бузма ҳарғиз.

Покизалик муҳити гарқ этса, майли, фахр эт,
Қон кўлида чумилма, қон ичра сузма ҳарғиз.

Ҳар кимга сузлаганда сўз ўлмасин, десанг гар,
Бемаъни жумла тузма, ҳеч тузма, тузма ҳарғиз.

Тил ўйнатур илондек ёлгончи бўлса ошиқ,
Утказмай имтиҳондин кўзингни сузма ҳарғиз.

Тайёр эса текин ош, кафтгир қўлингда бўлса,
Кафтгирни сен улоқтир, ул ошни сузма ҳарғиз.

Ҳеч тенги йуқ гўзаллик, Чустий, садоқатингдир,
Дўстлик танобин элдан эр бўлсанг узма ҳарғиз.

АҚЛИ РАСОЛАРНИНГ ИШИ

Халқини шод айламоқ ақли расоларнинг иши,
Эли ранжитмоқ ҳамиша беҳаёлларнинг иши.

Ҳар кишининг умрида ўз нияти йўлдошидир,
Ниятин покиза тутмоқ бериёлларнинг иши.

Ҳар гўзалга хомтамаълик бирла бош эгмайди мард,
Ҳар эшикда сарғайиш шилқим гадоларнинг иши.

Гар бало тиги бошинга келса, қалқонинг бўлиб
Сақламоқлик захмидан чин ошноларнинг иши.

Игна санчиб, бир кулиб қўйган шифокорлар каби
Ноз ҳам лутф айламоқлик дилраболарнинг иши.

Учраганда бир-бирин ҳуснида хол пайдо қилур,
Бу ажойиб мўъжиза қўзи қароларнинг иши.

Бошқасига мубталоликдан кўнгилни сақламоқ
Доимо Чустийга ўхшаш мубталоларнинг иши.

ЯХШИ

Саодат офтоби нур сочиб, бўлди ҳаво яхши,
Ёмонлар маҳв ўлиб, афзун бўлур олам аро яхши.

Тараннум айлашур маъно гулистонида булбуллар,
Қулогимга келур ҳар лаҳза сермазмун садо яхши.

Суви йўқ дарёдан чанқоқ учун бир томчи сув аъло,
Ақлсиз кексадан, дерлар, кичик ақли расо яхши.

Қулингда бўлмаса бугдой нонинг, бугдой сўзинг бўлсин,
Амал қилсанг бу сўзга, эл берар сенга баҳо яхши.

Тилида ошною қалбида бегона бўлгандан,
Тили бегонаю қалбида бўлса ошно яхши.

Тамаъ хор айлагай, дерлар, бу сўз ҳаққонидур, аммо
Бахил бойдан дилида ҳиммати бўлган гадо яхши.

Кичик бир томчимен, Чустий, ва лекин дилда завқим бор,
Улуг дарё билан бир йўлдадирман, муддао яхши.

ДИЛ ТАРАННУМИ

Ҳар йигит-қизда агар шарму ҳаёси бўлмагай,
Элда унга жонкуяр бир ошноси бўлмагай.

Булмаса ўглинг-қизингнинг хулқу одоби гўзал,
Сен учун таъна, маломат интиҳоси бўлмагай.

Ҳаддан ортиқ эркалатсанг, душманидурсан ўзинг,
Талтайиб тантиқ ўсар, сенга вафоси бўлмагай.

Булса одамдан бино-ю, бўлмаса одам каби,
Ваҳшидан не фарқи бор, десам, хатоси бўлмагай.

Гар ёмон ўсса, фалон жоҳил, фалоннинг ўгли дер,
Яхши ота-онанинг бунга ризоси бўлмагай,

Ўз ичингдан, дейдилар, чиққан балога йўқ даво,
Яхши ўстирсанг болангни, бир балоси бўлмагай.

Халқдан лаънат эмас, раҳмат эшитмоқ истасанг,
Тарбият қилгил ўтил-қизни, жафоси бўлмагай.

Каттага ҳурмат, кичикка бўлса шафқат қалбида,
Бу каби доно йигит-қизнинг баҳоси бўлмагай.

Қанча топсанг, шунча кўп сочгил насиҳат гавҳарин,
Қиймати йўқ сўзнинг, эй Чустий, баҳоси бўлмагай.

НЕ КЕРАК

Яхши улфат ичра бебош не керак?
Ош аро тиш синдирар тош не керак?

Тош керакли бўлса, йуқ огирлиги,
Тошча қадри бўлмаса, бош не керак?

Бирга юргай соя, гарчи соядир,
Йўлда ажраб қолса йўлдош не керак?

Бетутун булгай тутинганлар сўзи,
Сертутун, аччиқ қариндош не керак?

Баъзилар ошингни еб, бошинг гажир,
Тош гажиб ўтсин, унга ош не керак?

Ёрнинг қалби чиройлик бўлса, бас,
Бевафо бўлса, қаламқош не керак?

Уйламай қилгай ёмонликни ёмон,
Яхшилик қилмоққа кенгош не керак?

Сўрма Чустийдан ёшини неча деб,
Шеър агар маъқул эса, ёш не керак?

ТАНҲО БЎЛМАГИЛ

Рохату кулфатда ҳам беёру танҳо бўлмагил,
Қайғу чогида жудо бўлганга шайдо бўлмагил.

Кундузи то кечгача қолмай кишидан соядек,
Кечқурун йўқ бўлгучи вақтинча ошно бўлмагил.

Томчи сув бўл лоақал лабташнарнинг комига,
Чўлга боқмасдан ўтиб кетгучи дарё бўлмагил.

Майли, бўлсанг ҳам тикан, эл душманин кўзига кир,
Богаро ҳар қул узиб кетгучи раъно бўлмагил.

Сўзи бежо, кўзи бежо топмас элда эътибор,
Эларо сен сўзи бежо, кўзи бежо бўлмагил.

Баҳра ол мардонларнинг суҳбатидан ҳар нафас,
Беадаб, безорилар ёнида асло бўлмагил.

Эл учун бер яхши ҳосил, майли, тупроқ ҳам бўлиб,
Золиму жаллодлар кафтида тилло бўлмагил.

Илмидан бебаҳра олимдан саводсиз яшидир,
Гар амал қилмас эсанг илмингга, мулло бўлмагил.

Сўзлагил, Чустий, топиб ҳар сўзни, бўлсин муътабар,
Мағзи йўқ сўзларни деб, эл ичра расво бўлмагил.

НЕ ЕТСИН

Эшитмоқ яхши, лекин кўз билан кўрганга не етсин,
Баланд сайёралардек сайр этиб юрганга не етсин.

Бу оламга келиб-кетмоқ табиий бир улуг қонун,
Кетиш ғам келтирур, аммо келиб турганга не етсин.

Ҳалол топса, еса, кийса, қатор туй қилса, сайр этса,
Яшаб тинчу омонлик даврини сурганга не етсин.

Жаҳон жаннат эрур эл бир-бирига бермаса озор,
Бутун дунёда дўстлик базмини қурганга не етсин.

Кишидан қарзи ҳам бўлмай, юзи ёруғ яшаб эркин,
Эл олдида қизармай қандини юрганга не етсин.

Бу истакларга етгай, бўлса гар инсофу виждони,
Бошин янчиб ёмон нафсини ўлдирганга не етсин.

Ҳаётнинг роҳати ҳам, давлати ҳам тўғрилиқ, дерлар,
Юракнинг соатин ҳам тўғрилаб юрганга не етсин.

Қалам илгингда, Чустий, ёз, тилинг комингда, ҳақ сўзла,
Азиз элдан тирик раҳмат олиб турганга не етсин.

ДАВЛАТИ КАМ БЎЛМАСИН

Яхшилар мижгони ҳаргиз ғам билан нам бўлмасин,
Одам авлодига қасд этгувчи одам бўлмасин,
Яхшилик душманлари умрида хуррам бўлмасин,
Тинч-омонлик бўлсину ташвишли олам бўлмасин,
Дилга тўлсин шоду хуррамлик, сира ғам бўлмасин,
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Ҳар кишининг топгани тўйга буюрсин, дўстлар,
Яйрасин дўстлар билан, даврини сурсин дўстлар,
Меҳнатин қойил қилиб, қандини урсин дўстлар,
Тансиҳатлик-ла узоқ йил умр кўрсин дўстлар,
Курмасин дарду бало, кулфатга ҳамдам булмасин,
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Билсанг, осмондан баланддир яхши инсон ҳурмати,
Жондан ортиқроқ эрур ёру қадрдон ҳурмати,
Барчадан юксак турур бу Ўзбекистон ҳурмати,
Билгил, э дўстим, бу сўз мазмунини нон ҳурмати,
Ғам есин халқи учун, бу ҳақда беғам бўлмасин,
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Яхшиликни қиймати шул, кийна тутмас яхшилар,
Яхшиликни заррадек бўлсин, унутмас яхшилар,

Лутф ила инсоф булогини қуритмас яхшилар,
Чустидан мазмуни йўқ сўзларни кутмас яхшилар,
Яхшилар етсин камолга, қомати ҳам бўлмасин,
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

ДАМ ҒАНИМАТ

Тонгда гул барги учун шабнам ғанимат, дўстлар,
Хуррият деҳқонига кўклам ғанимат, дўстлар,
Кўрсангиз минг йил умр, ҳар дам ғанимат, дўстлар,
Сизга биз ҳам, биз учун сиз ҳам ғанимат, дўстлар,
Дам ғанимат, дўстлар, одам ғанимат, дўстлар.

Ҳеч кишини бу жаҳон мулкига боглаб қўймаган,
Ҳар киши ҳам ушбу йўлдан ўтгучи карвон экан,
Майли, хушчақчақ яшанг, суҳбат қилинг дўстлар билан,
Яхши ҳамроҳ, ҳамнафас, ҳамдам ғанимат, дўстлар,
Дам ғанимат, дўстлар, одам ғанимат, дўстлар.

Солмангиз игво қўли-ла суҳбат ошига заҳар,
Бу қилиқдан айлағайлар марди майдонлар ҳазар,
Бир-бирин билгай ғанимат яхшилар, ҳурмат этар,
Ишланг-у роҳат қилинг, ҳар дам ғанимат, дўстлар,
Дам ғанимат, дўстлар, одам ғанимат, дўстлар.

Баъзиларни баъзи-баъзи қилмиши ҳайрон қилур,
Ойни у нодон этак бирлан ёпишга интилур,

Минг қават бўлганда ҳам, бир кун ниқоби йиртилуру,
Элда бу иллатга бор малҳам, ганимат, дўстлар,
Дам ганимат, дўстлар, одам ганимат, дўстлар.

Бир жаҳон тиллони сарф этсанг, топилмас бир нафас,
Бир нафаслик яхши суҳбатга бир олам тенг эмас,
Яхшилиқ боғида Чустий қўймагай ҳеч хору хас,
Бизга сиз ҳам, сиз учун биз ҳам ганимат, дўстлар,
Дам ганимат, дўстлар, одам ганимат, дўстлар.

КЎЗИНГДАН

Эл кўрди букун гамзани, жонона, кўзингдан,
Нур олди жаҳон халқи шабистона кўзингдан.

Тўққиз фалагу етти само, ҳур ила гилмон,
Инсону пари жумласи парвона кўзингдан.

Ҳайёми агар билса эди, бодани кайфин,
Булгайди боқиб бир йўли мастона кўзингдан.

Лаълингга Самарқанду жамолингга Бухоро,
Жон садқа, деди мардуми Фаргона, кўзингдан.

Учратса Наманган ила Қашқар йўлагиди,
Айлангай эди Машраби девона кўзингдан.

Сийнангда яшир, очма хазинагни, ўғирлар,
Ҳеч тукма юзинг саҳнига дурдона кўзингдан.

Боққанда ёмон кўз сенга шул онда ўйилсин,
Чустий садағанг ҳар куни мастона кўзингдан.

МУҲАББАТНОМА

Муҳаббат гул берур илгинга-ю, баъзида ханжар ҳам,
Муҳаббат йўлдан оздиргай, булур энг яши раҳбар ҳам.

Муҳаббат богига кирган билур роҳат билан ранжин,
Тикан ниш урса, гул айлар димогингни муаттар ҳам.

Муҳаббат ўт қўйиб, бошдан-оёқ жисмингни кул қилса,
Муҳаббат бир назар ташлаб, кулинггни айлагай зар ҳам.

Муҳаббат бўлса инсония ҳаққоний, бу оламдан
Йўқолгай ерда айрим беҳаё хулқу қилиқлар ҳам.

Муҳаббат чин садоқат бирла мардлик, мардимайдонлик,
Фалак мулкани сайр этдиргаю айлар мусаххар ҳам.

Муҳаббат ердан олгай ҳосилу тупроқни айлар дур,
Қилиб чулларни жаннат, этгай оламни мунаввар ҳам.

Муҳаббат номини булговчилардан айлагай нафрат,
Элу юрту қуёшу ою осмон бирла Хулкар ҳам.

Муҳаббат хислатин мингдан бирин айтдим, муродим шул,
Соқов ҳам баҳраманд бўлсин, эшитсин баъзи бир кар ҳам.

Муҳаббатнома ёз, деб бу замон доноси Чустийнинг
Қалам берди қўлига, янги илҳом, янги дафтар ҳам.

ПАҶД

Бевафо остонасига борма, хор айлар сени,
Беркитиб дарвозасин, гирёну зор айлар сени.

Унга мағрурланма булса тил учида ошно,
Дустларинг олдида бир кун шармисор айлар сени!

Эй кўнгул, қушлар каби ҳар боғни қилма орзу,
Ногаҳон бир золими йулда шикор айлар сени.

Ишқ деб ҳар кимга кунгил берма, қўл боғлатмагил,
Бир куни туҳмат таноби банди дор айлар сени.

Они севгилким мудом ўлгунча сендан ажрамас,
Жонфидо қилсанг, қучогида мазор айлар сени.

Рози булгил кокилидек қилса жисминг тор-тор,
Ҳар нафас буйнига чулғаб ёр-ёр айлар сени.

Севганингнинг йўлида, Чустий, ўлимдан қайтмагил,
Учмагай дунёда номинг, барқарор айлар сени.

ҚАРАБ ҚҰЙ

Мажнун кўзидан ишвали Лайлога қараб қўй,
Лайло кўзидан Мажнуни шайдога қараб қўй.

Қалбимни кўриш истасанг, эй дўсти азизим,
Сермавж, тиниқ оққучи дарёга қараб қўй.

Билмоқчи эсанг қайдан эрур кўзда севинч ёш,
Ёшимни қўю кўзлари шахлога қараб қўй.

Булбул фақат уч ойгина гул ишқида сайрар,
Ошиқми шу ҳам, беҳуда даъвога қараб қўй.

Сут бирла кирибдур Ватаним ишқи дилимга,
Жон бирла чиқар, асли бу маънога қараб қўй.

Курмоқчи эсанг ошиқу беишқ кўнгилни,
Фарқин биласан, бог ила саҳрога қараб қўй.

Ёримга кетурдим дилу жон бирла бошимни,
Бу арзимаган кичкина савгога қараб қўй.

Дунё тула минг турли тамошо бору, аммо
Бир гамза билан боқса, тамошога қараб қўй.

Ер куррасида қанча гузал бўлсанг, очиб кўз,
Хуснингга гурурланма, бу зебога қараб қўй.

Кўрмоқ тиласанг ҳуснихат умринг варағида,
Икки кўзининг устида имлога қараб қўй.

Ёзмоқчи эсанг ишқида, эй Чустий, чийстон,
Лаъл устидаги битта муаммога қараб қўй.

МУДДАОЛАРДАН ҲАЛИ

Дилда кўпдир муддаолардан ҳали,
Кузда бор равшан зиёлардан ҳали.

Найда жон йўқдир, вале найчи тирик,
Унда чексиз хушнаволардан ҳали.

Хасталикдан қўрқмадим ёр ишқида,
Мен учун беҳад даволардан ҳали.

Кўрмадим умрим аро ҳаргиз зиён,
Меҳрибон ақли расолардан ҳали.

Лекин офтоб қанчалик нур сочмасин,
Топилур кўнгли қаролардан ҳали.

Шакли одамдир, илон янглиғ чақар,
Учрагай бундай балолардан ҳали.

Ҳожатинг айтсанг, қилур сендан тилак,
Дуч келур бундай гадолардан ҳали.

Гул узиб, санчар тикон богбонга ҳам,
Бор-ку бундай беҳаёлардан ҳали.

Чустий, бу сўзга амал қил, сенда ҳам
Балки бор баъзи хатолардан ҳали.

КЎРГУНЧА, ХАЙР ЭНДИ

Деди танбур тили айлаб садо, кўргунча хайр энди,
Садо мазмунини айлай бажо, кўргунча хайр энди,
Бўлинг, дўстлар, тузингизга ризо, кўргунча хайр энди,
Келурман қайта, ёру ошно, кўргунча хайр энди,
Шудир доим кўнгилда муддао, кўргунча хайр энди.

Бутун бир умр ичинда айласам хизмат, адо бўлмас,
Элин шод этмаса, ул кимсадан халқи ризо бўлмас,
Агар туй бўлмаса, эл қалбида завқу сафо бўлмас,
Ўзим ҳар қайда бўлсам ҳам, кўнгил сиздан жудо бўлмас,
Қилурман ваъдага доим вафо, кўргунча хайр энди.

Учарга фикру зикрингиз менинг икки қанотимдир,
Кўришган пайтимизда чеҳрангиз янги ҳаётимдир,
Ширин суҳбатларингиз ком аро қанду наботимдир,
Дилим сандуги ичра меҳрингиз ноёб бисотимдир,
Сўзингиз менга дурри бебаҳо, кўргунча хайр энди.

Яшанг, яйранг, суриг даврон мудом роҳат билан, дўстлар,
Ҳамиша учрашайлик иззату ҳурмат билан, дўстлар,

Бошингиз чиқмасин тўйдан ҳалол меҳнат билан, дўстлар,
Белим танбур каби боглаб турай хизмат билан, дўстлар,
Қилай санъат билан бурчим адо, кўргунча хайр энди.

Билинг, ҳар қайсингизни согинурман кўрмасам тез-тез,
Этиб кўп васфингизни согинурман кўрмасам тез-тез,
Асалдек хулқингизни согинурман кўрмасам тез-тез,
Ажойиб базмингизни согинурман кўрмасам тез-тез,
Ёзилган номингиз кўнглим аро, кўргунча хайр энди.

Омонлик даври бу, ҳар биттангиз ҳам тўйчи, байрамчи,
Дилим: сиз бирла, дейди, ҳар нафас ҳам бирга бўлсам-чи,
Нечунким давлатим, бахтим ўзингиз, менга илҳомчи,
Улуг дарё эрурсиз, багрингизда Чустий бир томчи,
Буюк халқим, менинг жоним фидо, кўргунча хайр энди.

КИМНИ ИЗЛАРСИЗ?

Чиройликсиз, гузалсиз, дилрабосиз, мунча дилбарсиз,
Паривашсиз, малаксиз, маҳлиқосиз, сиймпайкарсиз,
Санамсиз, бебаҳосиз, гулбадансиз, лаъли шаккарсиз,
Қуёшсиз, тўлган ойсиз, нозанинсиз, нозпарварсиз,
Кўзингиз ҳар томонда, рост айтинг, кимни изларсиз?

Садоқат йўлида карвонингиздурман, танийсиэми?
Бу йўлда шоду беармонингиздурман, танийсиэми?
Қаранг, ҳамасру ҳамдавронингиздурман, танийсиэми?
Тасаддуқ жонгинам, қурбонингиздурман, танийсиэми?
Кўзингиз ҳар томонда, рост айтинг, кимни изларсиз?

Юзингиз рангидан пардоз олур лола яноғига,
Қошингиз шаклини олмиш фалак олтия тароғига,
Кўришга сизни булбуллар келибдур ишқ боғига,
Уялсангиз, пичирлаб айтингиз кўнглим қулоғига,
Тасаддуқ сизга жоним, рост айтинг, кимни изларсиз?

Бериб кўнглимни ёшлиқдан ҳақиқий сизга шайдоман,
Узим бир томчи, аммо ишқингизда мавжи дарёман,
Муҳаббатномамизга тоабат деб чеккан имзо ман,
Тахаллус берди Чустийга элим, севдим баралло ман,
Мени қўйманг гумонда, рост айтинг, кимни изларсиз?

ХОНАДОНДАН БОШЛАНУР

Яхши фарзанд ўстиринг, ҳеч ким маломат қилмагай,
Сиздан урганмай туриб, гўдак ҳақорат қилмагай,
Оқил ота-она наслин бефаросат қилмагай,
Ўз-ўзича ўсса у, озга қаноат қилмагай,
Тарбият кўрган эса, сизни хижолат қилмагай.

Хонадондан бошланур ёшликданоқ нафъу зарар,
Эркалатмоқ яхши, аммо ҳаддидан ошса агар,
У бола бўлгай муаллимларга ҳам бир дардисар,
Бўлмагай яхши билимлик, балки бўлгай дарбадар,
Улгайиб қолганда у сизга итоат қилмагай.

Эгри бўлсин, деб тугарму ҳеч она фарзандини,
Ким ёмон ниятда ўстиргай ўзин дилбандини.
Қай она бошлар касофатга саодатмандини,
Ким қабул айлайди ҳар бир соҳадан қувландини,
Яхши ота-она ҳеч шундай жиноят қилмагай.

Бўлмасин ялқовланиб фарзандингиз текинтаом,
Булганур топ-тоза қони, бўлгуси ҳалқум ҳаром,

Ор эмасму сиз учун олса агар безори ном,
Қиссалардан ҳиссалар айланг қабул, ҳуллас калом,
Тутри йўлга кирса, эгриликка одат қилмагай.

Онда-сонда учрагай халқ ичра бундай беҳунар,
Бир масал бордур, демишлар: бирники мингга урар,
Келди лекин мардлардан дунёга мардоналар,
Шукр этарман сўзларимдан кимки бўлса баҳравар,
Элга нафъи бўлмаса, Чустий китобат қилмагай.

МИНГ БАЛОНИ ЕНГАДИ

Пок диллар оқибат кўнгли қарони енгади,
Чунки нур сочган қуёш мудҳиш ҳавони енгади.

Маънилар тонгида гар фикрим қуши ёвса қанот,
Боғу кўлда қолдириб, боди сабони енгади.

Ким ҳақиқат дорисин ҳар лаҳза истеъмом этар,
Ул киши ҳар қанча дарди бедавони енгади.

Оқила, ифбатли қиз ҳуснида нуқсон бўлса ҳам,
Эларо баъзи ҳаёсиз маҳлиқони енгади.

Ошно бўлсанг, самимий бўлки, қурбонинг булай,
Чунки содиқлик мудом кизбу риёни енгади.

Баҳс майдонига кирса биргина ақли расо,
Ишлатиб донишни, минг-минг норасони енгади.

Мисни ҳам олтинга айлантурса мумкин кимё,
Қайси нодон айтадур мис кимёни енгади.

Сўзнинг энг ҳикматлиси шул, раҳмат олгил, раҳмат ол,
Дейдиларки, битта раҳмат минг балони енгади.

Элга хизмат айла, Чустий, эл ризосин ол мудом,
Эл ризосин қудрати балким қазони енгади.

БЎЛУРМИ

Недур деб исмингизни сиздан сўраб бўлурми?
Ноз айлаб айтмасангиз, унга чидаб бўлурми?

Уйнаб сабо сочингиз торини кетди ташлаб,
Жон риштасини унга, айтинг, улаб бўлурми?

Дил лаб очувди, айдим: шошма, куйиб кетарсан,
Борму эсинг, қуёшдан буса тилаб бўлурми?

Мижгоним игнасига дурдоналар тизибман,
Юпқа яқога шундан тугма қадаб бўлурми?

Нур қайда бўлса, сўэсиз, кўз шу томонга тушгай,
Сиздан бўлак томонга, айтинг, қараб бўлурми?

Сиз деб тикан азобин чекди қулу оёгим,
Қул бўлса "тегманозик", гул дасталаб бўлурми?

Кунглим биносини Сиз нақшу нигор этарсиз,
Минг офарин демакдан бир ўзга гап бўлурми?

Чустийга мақтаб эрдим, мен ҳам кўрай деди ул,
Шеъринг, дедим, кўришга балким сабаб бўлурми?

ЗЕРИКМАСИНЛАР

Шўхлик қилиб чаманда гул шохин эгмасинлар,
Кирса тикони қўлга, озор чекмасинлар.

Кулбамга ўзларини тонг чоғи таклиф этдим,
Пайқаб қолувди офтоб, ундан кечикмасинлар.

Дил япрогин демишлар гул баргидан нафисроқ,
Тирноқ кўтармагай у, зинҳор тегмасинлар.

Ноз элчиси қўлимга гамза хатин кетурди,
У хатда дебдиларки, мунча ичикмасинлар.

Меҳру вафо, муҳаббат улфатлари эди-ку,
Кибру ҳавога дилбар ҳаргиз эликмасинлар.

Чок этдилар юракни, тоқат қилиб бўлурму,
Сунбул ипидан ўзга ип бирла тикмасинлар.

Чустийга ҳам дедимки, мактубни озу соғ ёз,
Чунки уни ўқишда ёрим зерикмасинлар.

ФАРЗАНД УЧУН

Ота-она орзуси аввало фарзанд учун,
Хонумонин сарф этар ҳар доимо фарзанд учун,
Ранжимайдур чекса юз жабру жафо фарзанд учун,
Ҳар бирида юз тилак, юз муддао фарзанд учун,
Яхши ота-она яхши раҳнамо фарзанд учун.

Оналар бир парча этни баркамол одам қилур,
Пашша қўндирмай авайлаб, шафқатин ҳар дам қилур,
Йигласа тунда юпатгай, ўйнатиб хуррам қилур,
Баъзилар фарзандига гўё ўзин қул ҳам қилур,
Баъзилар эл ичра бўлгуси гадо фарзанд учун.

Чунки ота-онадан ному нишон фарзанд эрур,
Кўзларининг нури ҳам жисмида жон фарзанд эрур,
Роҳати, фаҳри, гурури жонажон фарзанд эрур,
Улфати, дўсти, мадори меҳрибон фарзанд эрур,
Меҳрибонлик арзигай меҳри бажо фарзанд учун.

Ота-она яхши фарзандлар билан хуррам яшар,
Яхши фарзандлар туфайли эл аро топгай назар,
Бўлгуси пиру бадавлат, бу жаҳонда мўътабар.

Гар ёмон усган эса, минг алҳазар, минг алҳазар,
Эл отар нафрат уқини беҳаё фарзанд учун.

Куйдириб у ота-она бағрини қон айлағай,
Халқ ичинда ҳурматин ер бирла яксон айлағай,
Яхши ўстирган эса, умрин гулистон айлағай,
Ота-она номини оламга дoston айлағай,
Чустидан бу армугон ақли расо фарзанд учун.

УЛФАТИНГ

Булса оқил, марду ҳушёр улфатинг,
Қувватинг, қадринг, мадакдор улфатинг,
Якка қўймай бўлгуси ёр улфатинг,
Билса қадринг, кечма зинҳор улфатинг,
Хуб муносиб улфатинг бор, улфатинг.

Улфатингда булса идроку сабот,
Икки ёнингда бўлур икки қанот,
Шундай улфат-ла ширин бўлгай ҳаёт,
Ҳал бўлур ҳал бўлмаган ҳар мушкулот,
Булса гар ҳамфикру ҳамкор улфатинг.

Йўқлигингда йўқлабон боринг бўлур,
Ерда қолмайди юкинг, норинг бўлур,
Нақди жон ушлаб харидоринг бўлур,
Обрўйинг, шамъи рухсоринг бўлур,
Ғамда бирга, тўйда саркор улфатинг.

Ҳимматинг кўрган сари ҳиммат келур,
Ғайратидан сенга ҳам ғайрат келур,

Булса нодон улфатинг, кулфат келур,
Ул туфайли шаънингга лаънат келур,
Булмасин беору бекор улфатинг.

Билганидан баҳраманд бўл, ибрат ол,
Билмаса, ўргат бериб ақлу камол,
Тарбият қилмоқ, дема, амри маҳол,
Гар тушунса, у билан дўстликда қол,
Чустиё, кеч, бўлса айёр улфатинг.

ДАВО ҚИЛУР

Севса агар аниқ, аниқ бир-бирига вафо қилур,
Бир-биридан ҳаё қилур, бир-бирини ризо қилур,
Менга не бўлди, дилбарим кўзларини қиё қилур,
Майлига, розиман агар жонима юз жафо қилур,
Хасталанур эса дилим, дили билан даво қилур.
Булса тилим тилим-тилим, тили билан даво қилур.

Меҳригиёҳин ўтқазиб, дилни гўзал чаман дедим,
Бошқа гулини ушласам, санчиладур тикан дедим,
Кимки фидо қилур ўзин ишқида, ўлмаган дедим,
Боқса менга, табассумин малҳами жону тан дедим,
Хасталанур эса дилим, дили билан даво қилур.
Булса тилим тилим-тилим, тили билан даво қилур.

Нур сочибон қуёш юзи кечани қилди кундузи,
Ичма, деди хумор кўзи, завқим оширди бу сўзи,
Бу газалим татиб кўринг, ҳалвони йўқ деманг тузи,
Чустийга дардидан не гам, ҳамдам ўзи, шифо ўзи,
Хасталанур эса дилим, дили билан даво қилур.
Булса тилим тилим-тилим, тили билан даво қилур.

УЙГОТ МЕНИ

Май бериб кўз согаридан, маст этиб ухлат мени,
Ё карам айлаб, аламлик уйқудан уйгат мени.

Ҳамдами шавқинг бўлиб, йигларга одат қилмишам,
Бир табассум айла, жоним, кулгута ўргат мени.

Раҳбари ишқинг етаклар гам йўлига дам-бадам,
Қора сочинг гарданимга ташлабон боғлат мени.

Ёнди жоним, куйди жисмим, қолмади ҳеч тоқатим,
Жонга раҳм эт ёки мужгон тири бирлан от мени.

Ходиминг ходимларига хаста жонимдир гулом,
Ҳозиқи васлингга, бу қул хаста, деб кўрсат мени.

Амр этиб икки қаро жаллодинга, эй нозанин,
Саҳнайи шавқингда туфроқ устида ўйнат мени.

Назм этиб, номингни Чустий куйлади булбул каби,
Қундириб гул шохига доим шу хил сайрат мени.

САДАҒАНГ БУЛАЙ, НИГОРИМ

Сени яйратар диёрим, садағанг булай, нигорим,
Қарашинг менинг мадорим, бу томонга бир қараб қуй.

Менга йуқ гуноҳни илма, бери кел, узоққа жилма,
Гузалим, баҳона қилма, бу томонга бир қараб қуй.

Очиқ айтаман бу сўзни, биласанми бу рамузни,
Уялиб қочирма кўзни, бу томонга бир қараб қуй.

Узинг айт, қаён кетай мен, тилагинг недур, нетай мен,
Яна қанча сабр этай мен, бу томонга бир қараб қуй.

Сени ою кун гадоинг, яна ортадур чиройинг,
Чустий ҳам сенинг фидойинг, бу томонга бир қараб қуй.

ТАНЛАБ ОЛ

Муҳаббат бор, нур ёқади йўлимга,
Муҳаббат бор, гул беради қўлимга,
Муҳаббат бор, дорга осиб ошиқни,
Шафқат этмай олиб борар ўлимга.

Муҳаббат бор, уни дерлар раббоний,
Муҳаббат бор, уни дерлар ҳайвоний,
Муҳаббат бор, номин ёзар дostonга,
Ишқ оламин қилур марди майдоний.

Муҳаббат бор, ўргатади боз-бозлик,
Турли-турли ишқибозлик, таннозлик,
Муҳаббат бор, уни қабул этганлар
Халқ ишида доим қилур жонбозлик.

Муҳаббат бор, элда қилур дарбадар,
Муҳаббат бор, одам учун дардисар,
Муҳаббат бор, пул бандаси қилур у,
Муҳаббат бор, қилур ундан вл ҳазар.

Муҳаббатга шайланганлар, қулоқ сол,
Топай десанг бахту иқбол ҳам висол,
Хушхонлардан эшит Чустий пандини,
Муҳаббатнинг яхшисини танлаб ол!

ЖОНОН УЙҒОНУР

Севги, деб бир наъра тортсам, еру осмон уйғонур,
Ер юзида балки юз минглаб гулистон уйғонур,
Жаннатул маъвода олтин қасру айвон уйғонур,
Қасру айвон на эмишким, хуру гилмон уйғонур,
Хуру гилмонлар ичинда бизни жонон уйғонур.

Эй сабо, уйғонмаса, уйғот оёғидан упиб,
Сийпалаб, ҳидлаб сочин, тебрат тарогидан упиб,
Сузларимни сиргадек айтгил қулогидан упиб,
Ёки икки қошидек уйна қабогидан упиб,
Шул сифат борсанг яқин, ул шуҳ мижгон уйғонур.

Эй кўнгил, бу севгини топгил, эгиз тоғларни кез,
Ишқ саҳросидаги қирларни, тупроғларни кез,
Тунда ухлаб қолмагил, тонг чоғи гулбоғларни кез,
Севги бирдан ваъдалашган боғда япроғларни кез,
Билса меҳмон келмоғин, албатта мезбон уйғонур.

Ушбу йўлда қанча ошиқ хонумондан кечдилар,
Қатра-қатра тўкибон тан ичра қондан кечдилар,

Кечмадилар севгидан, тан бирла жондан кечдилар,
Охири ҳолдан кетиб ушбу жаҳондан кечдилар,
Таърифини сўзласам, мингларча дoston уйғонур.

Ушбу йўлда учраган душман саломат қолмади,
Неча йиллар сабр қилдим, энди тоқат қолмади,
Қим деёлгайки, жаҳонда ҳеч муҳаббат қолмади,
Ташнаман бир бўсага, зарра қаноат қолмади,
Чусти, ёринг қалбида шоядки эҳсон уйғонур.

ДИЛНИ БЕЖО ҚИЛМАДИМ

Гул юзингдан бошқа гулшанни тамошо қилмадим,
Бошқа бир гул меҳрини қалбимда пайдо қилмадим.

Чуларо ювдим юзим гардин севинч дарёсида,
Мен биёбонда кўзим ёшини дарё қилмадим.

Қалби бежолар юзингга кўзни бежо ташлади,
Интиқом олдим улардан, дилни бежо қилмадим.

Чунки ишқинг дояси мардона қилди тарбият,
Юзига доғ солмадим, бу ишни асло қилмадим.

Қошларинг меҳнатга чорлар, кўзларинг роҳат томон,
Бу тамошолардан ўзга бир тамошо қилмадим.

Гоҳ тағофил айласанг мен сори бепарво қараб,
Шунча бепарволигингдан сенга даъво қилмадим.

Болари янглиг суриб меҳринг гулин, бол тўпладим,
Чустий, умримда кепакдан элга ҳалво қилмадим.

ЭҲТИРОМ ЭТМАС

Ҳақиқатдир бу сўз: булбулни майна эҳтиром этмас,
Шул хил қумри навоси тун бойқушларин ром этмас,
Садоқат бўлмаса, кўк гумбази ерга салом этмас,
Замин ҳам, бўлмаса меҳри, уни фируза том этмас,
Қуёшни дўстлик базмида олам тилла жом этмас.

Баланду пасту қингирлик-ла таркиб топди бу дунё,
Ҳаёт майдонида учрайди адно, авсату аъло,
Бу ишда инжимай ҳаргиз табиат бўлди бепарво,
Ҳама бир хилда бўлганда жаҳон бўлмасди бемаъно,
Ҳаёт донолари бу маънида фикрини хом этмас.

Ғараз, шубҳа, гумон, албатта оқилларга эп бўлмас,
Узи кўрмай гувоҳлик бермаса, бадкор, деб бўлмас,
Мушуклар сарқитин ташлар кишилар, чунки еб бўлмас,
Кучуклар оғзидан қолган суякларни гажиб бўлмас,
Азизлар бу мулаббаслар билан оғзин ҳаром этмас.

Агар бир заррача фазлим, бу фазлимда баҳорим бор,
Налар қилдим, налар қилгум, қўлимда ихтиёрим бор,

Дилим тупрогида унган кичик бир лолазорим бор,
Уни пажмурда қилмай ҳидлаган халқу диёрим бор,
Узин фарзандини эл ҳеч қачон субҳини шом этмас.

Маломатга саломат қофия — шеърӣ радифимдир,
Бу шеърим арзимас, ҳаргиз демам, фикри латифимдир,
Менинг ҳар мухлисим майдонда энг содиқ ҳалифимдир,
Менинг ҳар улфатим, Чустий, азизим ҳам шарифимдир,
Булар ҳеч қайсиси суҳбатда сўзни бенизом этмас.

ЮРАК ТИЛАГИ

Керма манманлик билан ўрнида турган қошни,
Эл севар одамда бўлган сабр ила бардошни,
Халқ учун бўлса зарар, тошларга ур ул бошни,
Йўлда жонингдан азиз тут сенга чин йўлдошни,
Йўлга сол, келса қўлингдан, ақли кам бебошни.

Одам ўгли бўлмагайсан, бўлмаса халқинг ризо,
Эл сени шарманда дейдур, қилмасанг шарму ҳаё,
Пок диллар кир юраклар бирла бўлмас ошно,
На қилай ундай кўнгилни, бўлмаса унда вафо,
Сақламас сандуқда ҳеч ким қиймати йўқ тошни.

Нокерак бўлма жаҳонда, доимо даркор бўл,
Гул каби чехранг очиб юр, халқ учун гулзор бўл,
Бағрида яйратган элдан шоду миннатдор бўл,
Қўлга санчилма тикандек, балки беозор бўл,
Кекса ҳам ҳурмат қилур одоби бўлган ёшни.

Ҳар кишини халқи чин қалбидан ҳурмат айласин,
Ҳар киши дилдан ўрин олмоққа ҳиммат айласин,
Ҳар киши доим ҳалол меҳнат-ла роҳат айласин,
Ҳар киши яхши кишилар бирла суҳбат айласин,
Тукмасин Чустий севинч-ла кўзга тўлган ёшни.

НАЗОРА ҚИЛСАМ

Кошки юзингга, дилбар, минг йил назора қилсам,
Қасд этса кимки сенга, минг пора-пора қилсам.

Ешликда дилни бердим, охир сочим оқарди,
Ранг берса менга холинг, сочимни қора қилсам.

Дардимга чора қил, деб оқ урди қанча ошиқ,
Мен ифтихор этардим дардингга чора қилсам.

Висол тўйига, эй ёр, ризолик этсанг изҳор,
Жарчи бўлиб фалакда ойни ногора қилсам.

Кўрдим табассумингни, эй бебаҳо дурдона,
Арзийди хизматингни тобора-бора қилсам.

Дил шишаси висолинг атри билан тўлиқдир,
Булғай жаҳон муаттар мен ошқора қилсам.

Бир дам ҳам айрилишга Чустийнинг тоқати йўқ,
Кошки юзингга, дилбар, минг йил назора қилсам.

МЕНГА МУНОСИБ

Мадҳинг газали хуб ширин оҳангга муносиб,
Мен ялла қилай ноз ила гамзангга муносиб,
Дил сайраши булбул каби гулшанга муносиб,
Хусни чаманим, аҳду вафо санга муносиб,
Сендек дили пок, кўзи қаро манга муносиб.

Меҳрингни қанот айлабон осмонга учайму?
Ер куррасидан сен била ё ойга қўчайму?
Гулдаста узатсанг, сени ё гулни қўчайму?
Нозик баданим, аҳду вафо санга муносиб,
Сендек дили пок, кўзи қаро манга муносиб.

Аслида юрак битта бўлур битта баданда,
Бир дилу бир тан кабимиз озод ватанда,
Бегонага йўл йўқ, гўзалим, ушбу чаманда,
Эй гулбаданам, аҳду вафо санга муносиб,
Сендек дили пок, кўзи қаро манга муносиб.

Сен бахту шараф, ҳурмату лаззатли ҳаётму?
Меҳнатму, ҳалол давлату ё қанду наботму?
Чустийга бирон сўз демадинг, сенга уётму?
Хусни чаманим, аҳду вафо сенга муносиб,
Сендек дили пок, кўзи қаро менга муносиб.

УЙҚУДАН

Бошдаги рўмоли бўлсам турса жонон уйқудан,
Сурма бўлсам кўзига тебранса мижгон уйқудан.

Юзига хол ташласам кўз мардумидан бир қараб,
Сесканиб уйғонса, жоним унга қурбон, уйқудан.

Кўз ярим уйқуда, лаб кулгута мойил субҳидам,
Бир боқиб лаззат олай мен ушбу ёлгон уйқудан.

Навдаи гулга қуниб, ҳуснин гулига термулиб,
Мен десам булбул бўлиб, тур энди чаққон уйқудан.

Илгига қўйсам хино дилдан узиб рангин гияҳ,
Елписам, уйғонса, ушлаб даста райҳон, уйқудан.

Буйнига тақсам тизиб меҳру вафо гавҳарларин,
Уйғонур ғабгабга шояд ботса маржон уйқудан.

Кун яримда турмаса ноз уйқудан дилбаргинанг,
Ёз қалам Чустий билан бир катта дoston уйқудан.

УЙНАГАНДА

Саҳнада гул очилди гунчалаб ўйнаганда,
Жонни қитиғлаб ўтди йўргалаб ўйнаганда.

Куйдирмажон экан-ку, лекин табассум айлаб,
Кунглимни эркалатди эркалаб ўйнаганда.

Товусни этди шайдо, оҳуни этди мафтун,
Икки қаро хуморин сурмалаб ўйнаганда.

Дурлар кўзин узолмай қолди ёқосин ушлаб,
Кўйлак ёқосин ул қиз тутмалаб ўйнаганда.

Икки қўли белини қимчиб, юракни ўйди,
Ерни оёқ учида пармалаб ўйнаганда.

Дерсизки, икки юлдуз ўйнаб булутга кирди,
Икки қўлин юзига пардалаб ўйнаганда.

Шогирд экан бу дилбар элнинг Мукаррамига,
Билдим буни юракка ўт қалаб ўйнаганда.

Минг жон фидо этардим, жон битта, Чустий, найлай,
Мингга бўлай бу жоним майдалаб ўйнаганда.

ЁШНИ

Дейдилар, икки бало ошиққа икки қошни,
Тил кесилмасму деса икки бало сирдошни.

Кирпиким устида ёшим уйнади ёшлик қилиб,
Мен қарини куйдириб, шўрин қуритма ёшни.

Васл дастурхонига йўллатма агёримни ҳеч,
Дейди эл, ҳатто емас ит ҳам шериклик ошни.

Бир майизни қирқ бўлиб ерлар самимий дўстлар,
Эл қабул этмас валекин севгида кундошни.

Бир ишорат айласанг, бошим оёқ айлаб борай,
Зора қучгайсан оёқ ўрнида борган бошни.

Бошими жаллоди ҳажринг олса, мен қандай борай,
На қилур эрдинг, нигорим, ошиқи бебошни.

Бўлди хуснингда аён буткул табиат санъати,
То абад мадҳин этай бу мисли йўқ наққошни.

Қиймат этдим нархини икки кўзим қонин сочиб,
Айладим ёқут рақиблар менга отган тошни.

Мен каби ким яхшилик қилгай ёмонликка мудом?
Қайси ошиқда курибсан бу каби бардошни.

Эй сажий, ишқинг боқиб пиру бадавлат айлади,
Бу камина камтарин Чустий каби қаллошни.

КАМ БҰЛАРМИДИ

Ҳар кимни сийласа эли, у кам бұлармиди,
Эл севмаган азизу мукаррам бұлармиди.

Овора бұлма, тошни туйиб элаган билан,
Мажруҳлар яросига малҳам бұлармиди.

Минг йиллаб ўйнаганда ўйинхонада айиқ,
Қолгай айиқлигича, у одам бұлармиди.

Сўзни қулоқ эшитгувчи, тил сўзлагувчидир,
Аммо сўзимга ҳар киши маҳрам бұлармиди.

Девор миниб оёқла нуқиб “чу” деган билан,
Мақсад йўлида чобуку илдам бұлармиди.

Ҳар ишни завқи-шавқи ўзин пайтида булур,
Мотамда чалса мусиқа, байрам бұлармиди.

Чумчук чуруқласа, ким эшитгай қулоқ солиб,
Девбачча лофу қоф ила Рустам бұлармиди.

Чустий, элингни севки, сени сийлади элинг,
Ҳар кимни сийласа эли, у кам бұлармиди.

КУЛДИРСА ҲАМ

Ўргилай ранжитса ҳам, кулдирса ҳам,
Ёки жон бахш этса ҳам, ўлдирса ҳам.

Ёнма-ён ўлтирмаса ҳам майлига,
Рози эрдим рўбарў ўлтирса ҳам.

Суэласа, дил жомига қуйгай асал,
Қуп ширин боқиб гапирмай турса ҳам.

Ундирай меҳригиё гуллар аро,
Ишқи офтобдек мени куйдирса ҳам.

Қўларим тўймас боқиб рухсорига,
Мен билан юз йилча даврон сурса ҳам.

Тенг эмас райҳону сумбул сочига,
Бу жаҳон богида жавлон урса ҳам.

Чустий дер, ҳар нозига юз жон фидо,
Ўргилай ранжитса ҳам, кулдирса ҳам.

ЙЎЛЧИ ҚАРВОНМАН

Агар-чи оқил эрмасман, демасман унча нодонман,
Вале мушфиқ анадан оқ сут эмган битта инсонман.

Шунингчун одамийлик ўрганурман одамийлардан,
Ҳамиша яхшидан яхши сабоқ олмоққа чаққонман.

Дилимда йўқ губору, осие сақфида гардим бор,
Деёлмам, дони йўқ, беҳуда айланган тегирмонман.

Насихатга ўзи муҳтож насихатгўйлар кўрдим,
Амал қилмай, насихат айлаган одамга ҳайронман.

Бу фикримнинг гули Саъдий гулистонида ғайри ранг,
Дедим узрим, улуғ устозларга ҳаддан имконман.

Замон ганжинасин тўлдирмасам ҳам дурри гавҳарга,
Дилим ёқутини тухфа келтирган йўлчи қарвонман.

Самони йўқ кичик бир донаман, аммо ҳақиқатда
Ҳисобсиз доналар бирлан бириккан катта хирмонман.

Агар гулни жаҳон булбуллари ҳам севсалар мендек,
Деса арзийди, Чустий, ҳар бири: мен ҳам газалхонман.

УВОЛ ЭТМА

Мени, эй соқи, майнинг ошиқидир, деб хаёл этма,
Кузинг маст этди, менга май бериб майни увол этма.

Сенинг ишқингдин ўзга менга ҳеч кайфу сафо бўлмас,
Бўлакнинг меҳрига ундаб, дилимни хастаҳол этма.

Кишини бода маст этса, менинг кайфим қочиргуси,
Бу қандай майпарастлик, деб менга ҳаргиз савол этма.

Ичибман Ҳофизу Жомий, Навоий мажлисида май,
Аё айюҳас соқий, бу ҳақда қийлу қол этма.

Шу кайфим бирла элга улгунумча айлайин қуллуқ,
Мени айб этма, нозинг бирла маҳруми висол этма.

Муҳаббат бодасига сув қўшиб айнитма, эй соқий,
Дилимнинг шишасин олуда бир эски сафол этма.

Агар бу бода қадри зарра ортиқ бўлса Чустийдан,
Уни камликда қўйгил, май бериб майни увол этма.

ҚАСАМ

Қасамёд айладим халқ олдида номусу оримга,
Ватан муҳри босилди дилдаги қатъий қароримга.

Ҳамият ханжари бирлан кесарман риштаи умрин,
Менга душман эрур дўстим, агар қасд этса ёримга.

Унинг йўлида куйса устихоним, сурма деб, дўстлар,
Уралган мактубим бирлан беринг кўзи хуморимга.

Кесилсин панжаси, куйсин, кули кўкларга соврилсин,
Тикон ўтқазмоқ истаркан кими бу долазоримга.

"Гўзал Ширин", дедим, тоғлар бу овозимга бош эгди,
Қадим Фарҳоди бу ишда киролгайму қаторимга?!

Садоқат бирла ўлсам, ҳеч қачон мен чўлда қолмасмен,
Чаман қилгай элим гул ўтқазиб, Чустий, мозоримга.

НАЙ

Агарчи айрилиқдан нолаю фарёд айлар най,
Ажабким, гамли кўнгилларни йиғлаб шод айлар най.

Неча жойдан тешилмиш бағри ҳижрон ханжари бирлан,
Дили вайрону, дил вайронасини обод айлар най.

Куйиб-ёниб элига нур берган шаъмлар янглиғ,
Фитон бошлаб аламлар дудини барбод айлар най.

Бу ҳикматлар фусун эрмас, муҳаббат муъжизотидир,
Узи банду, дилинг бандин ечиб озод айлар най.

Етургай чўлда Лайлидан хабар Мажнун кулогига,
Уриб тоғларга савтин тешаи Фарҳод айлар най.

Гуландом суратин авжи чизиб ишқ аҳли базмида,
Узин нодир ҳунарлик Моникю Беҳзод айлар най.

Ва лекин қанчаларга ёру ҳамдам бўлгани бирлан,
У кун найзор аро қолган тубини ёд айлар най.

Гаҳи булбул, гаҳи тўти, гаҳи қумри, гаҳи шоир
Бўлиб, суҳбатлар ичра ранг-баранг ижод айлар най.

Нафас дорусини най захмига қўйганда найчилар,
Уларнинг номин элда меҳтару устод айлар най.

Демангки, най жудоликдан шикоят айлагай доим,
Хунарсиз найчиларнинг дастидан ҳам дод айлар най.

Улуғ устодлар най таърифин кўп айтган, эй Чустий,
Улардек мадҳ этолсанг, сенга ҳам имдод айлар най.

ҚАДРИН БИЛМАСА

Дил эмас у дил агар дилдор қадрин билмаса,
Тил тутилмасму ширин гуфтор қадрин билмаса.

Йўлдан озгай, йўлда қолгай, етмагай бир манзила,
Ҳамнафас ҳам жонкуяр ҳушёр қадрин билмаса.

Ким уни одам қаторида ҳисоб айлар эди,
Халқу юрту яхши дўсту ёр қадрин билмаса.

Лаззати бир дамча йўқ юз йил умр кўрганда ҳам,
Эр билан хотин ширин рўзгор қадрин билмаса.

Ул киши бир томчи сувга зор бўлгай бир куни,
Олдидан оққан тиниқ анҳор қадрин билмаса.

Нокасу нодон десам, бу сўз хато бўлмас сира,
Йўқни ишлаб топмаса, у бор қадрин билмаса.

Қуп-қурук қалби гиёҳсиз чўл эрур, Чустий, унинг,
Илму фан ҳам санъату ашъор қадрин билмаса.

БЎЛСА, БАС

Бу азияз бошимда юз минг орзу бирлан ҳавас,
Ҳар бирини бир жаҳон тенги десам, ҳеч лоф эмас,
Одам авлодига ҳаргиз бўлмасин дунё қафас,
Олмасин райҳонлар ўрнин гулшан ичра хору хас,
Бу жаҳон булбуллари мен бирла бўлсин ҳамнафас,
Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса, бас.

Ҳар кишининг орзуси эл аро дўстлар билан,
Ўлчанур одам баҳоси бебаҳо дўстлар билан,
Мотаминг ҳам юмшагай ақли расо дўстлар билан,
Дунёда ҳар ҳожатинг бўлгай раво дўстлар билан,
Бўлмаса дўстинг, ҳаётинг боги асло гулламас,
Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса, бас.

Қолмаса дерман жаҳонда гам булутидан нишон,
Кукдаги порлоқ қуёшдек бир бутун бўлса жаҳон,
Булса-чи, дерман бутунлай ер юзи доруломон,
Ҳамма уй тўйхона бўлса, ҳамма халқлар жонажон,
Яллалар қилсам жаҳон хушхонлари-ла басма-бас,
Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса, бас.

Курмасин ҳеч кимса аҳли можаролар чеҳрасин,
Курмайин мен ҳам жаҳонда бевафолар чеҳрасин,
Чунки ҳар лаҳза кўрарман ошнолар чеҳрасин,
Чустий, қурбони бўлай мен дилраболар чеҳрасин,
Бу азиз бошимда юз минг орзу бирлан ҳавас,
Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса, бас.

ЙУҚМИКАН?!

(мутойиба)

Ҳар томон шўх-шўх боқар, бир навқирони йуқмикан?!
Унга сўз қотсам агар, менга зиёни йуқмикан?!

Қўйлаги гул баргидан юпқа, назокатли яна,
Гулдан ортиқдир узи, лекин тикони йуқмикан?!

Рашк этиб холин лабидан узга ерга куч, дедим,
Кучмади, бечоранинг бошқа макони йуқмикан?!

Ҳар қадам қўйганда нозик пошнаси нақшин солиб,
Йулкалар янглиг уяр дилни, товони йуқмикан?!

Йулда сочин толасини тортқилаб қочди шамол,
Қайрилиб боқди, бироқ мenden гумони йуқмикан?!

Қилди бир жоним учун ишқида минг турли синов,
Мен учун қолган яна бир имтиҳони йуқмикан?!

Пистадек мағзи кўринди сўзлаганда Чустига,
Жон фидо, дейдир, булак ширинзабони йуқмикан?!

ОВОРА БЎЛМА, ДЕЙДИ

Ёр, айланай, десам мен, сайёра бўлма, дейди,
Севдим, десам, кулимсиб, овора бўлма, дейди.

Йўлингда хонумоним сарф айлайнму, десам,
Бору йўтингдан ажраб, бечора бўлма, дейди.

Дил хомтамаълик айлаб, борган эди яқинроқ,
Мижгон тигига учраб, минг пора бўлма, дейди.

Кирпикка томчи-томчи ёшим югурган эрди,
Нозли боқиб нигорим, фаввора бўлма, дейди.

Қоши билан кўзига кўз ташлаган юракка,
Васл истасанг мабодо, сен қора бўлма, дейди.

Мақтарди гулни булбул, Чустий чаманда унга,
Ёримга тенг эмас гул, овора бўлма, дейди.

СЕВМАЙ БЎЛУРМИ СИЗНИ

Эй дилнинг дилрабоси, севмай бўлурми сизни,
Ойларнинг маҳлиқоси, севмай бўлурми сизни.

Ноз ўзга, гамза ўзга, сирли карашмангиз бор,
Сев, дейди қош имоси, севмай бўлурми сизни.

Феруза дарчасидан ою қуёш мўралар,
Сиз асли муддаоси, севмай бўлурми сизни.

Кузгу жамолингиздан касб айламиш жилолар,
Кунглим жаҳоннамоси, севмай бўлурми сизни.

Ҳар бир табассумингиз, ҳар бир нигоҳингиз ҳам
Дил дардининг давоси, севмай бўлурми сизни.

Одобу иффатингиз элда намуна бўлди,
Мен хулқингиз фидоси, севмай бўлурми сизни.

Севдим, дедимми, севдим, Чустий, бўлак сўзим йўқ,
Эй дилнинг дилрабоси, севмай бўлурми сизни.

ЎЗИМ, ДЕДИ

Офатижон, десам, кулиб: роҳатижон ўзим, деди,
Роҳатижонимсан, десам: офатижон ўзим, деди.

Майли, на бўлса, дилбарим, менга кулиб қара, дедим,
Ҳеч аримас табассумим, шўҳизамон ўзим, деди.

Ишқ эли болари каби тўрт тарафида айланур,
Бунга сабаб надур, десам: ширин забон ўзим, деди.

Келса бошингга юз бало, ишқи бало экан, дема,
Меҳри-ла шафқат этгучи руҳиравон ўзим, деди.

Жон керак эрса, жон ўзим, дилбару қадрдон ўзим,
Ошиқ элига хонумон, жону жаҳон ўзим, деди.

Унга дедим: замон-замон сен била Чустий жонажон,
Ноз ила гамза дастидан берган омон ўзим, деди.

ОШНО ЧИҚМАС

Жаҳонда олиҳиммат мардлардан ҳеч гадо чиқмас,
Бу фикримнинг китобин қанча текширсанг, хато чиқмас.

Илонлар изларини тугрилайман деб хуноб булма,
Агар минг йил урингил, бу ишингдан ҳечвақо чиқмас.

Агар аслида қингирдир, мудом булгай иши қингир,
Йуниб овора булма, эгри калтакдан асо чиқмас.

Агарда одамийлик жонидан маҳрум эса ошнанг,
Тириклар бирла суҳбат қил, ўликдан ҳеч садо чиқмас.

Топилмайдир-ку, ҳар бир кимсадан дардинг учун малҳам,
Нечунким ҳар ҳаким сандуқчасидан мўмиё чиқмас.

Қуғирчоқ уйнаган ёшлар каби суратпараст булма,
Билиб қўйгил, ўйинчоқдан кишига ошно чиқмас.

Дили оқ, покиза дўстлар учун жон берсанг арзийди.
Самимий ошнолар жамъидан кўнгли қаро чиқмас.

Сўзингнинг ранги бир, мазмуни бир, Чустий, ибо қилма,
Табиийдирки, гавҳар конидан гавҳар ало чиқмас.

МУҲТОЖ УЛМАГАЙ

Бахт тожин кийган одам бандаи тож улмагай,
Ҳеч қачон озодлик базмидан ихрож улмагай,
Одамийга обрӯдан ўзга меърож улмагай,
Обрӯ дурри маломатлар учун бож улмагай,
Гавҳари бахти агар беҳуда торож улмагай,
Дустга зор, душманга хор, номардга муҳтож улмагай.

Қад букилмай, қуввати кетмай, асо тутмас киши,
Мева фасли қору ёмгирлик ҳаво кутмас киши,
Бечидам бўлса, синовдан бемалол ўтмас киши,
Болу шарбат жомида ҳаргиз заҳар ютмас киши,
Гавҳари бахти агар беҳуда торож улмагай,
Дустга зор, душманга хор, номардга муҳтож улмагай.

Халқ дардига илож топгучи қолмас ноилож,
Бахту иқбол ходиму, бошида бўлгай ақл тож,
Келгуси тобора омад, давлати топгай ривож,
Унда бўлмас бенаволик, унда бўлмас эҳтиёж,
Гавҳари бахти агар беҳуда торож улмагай,
Дустга зор, душманга хор, номардга муҳтож улмагай.

Эй кўнгил, жисмимда турмоқ истасанг, бўлгил ҳалол,
Бўлмаса, сен бирла улфат бўлмогим амри маҳол,
Қалби пок бўлган киши умрида бўлмас пойимол,
Эл билан озод Чустий, давлати топмас завол,
Гавҳари бахти агар беҳуда торож ўлмагай,
Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож ўлмагай.

СУРМАГА МУҲТОЖ ЭМАС

Кузларингиз сурмага муҳтож эмас,
Қошларингиз ўсмани қилмас ҳавас.

Ҳар икови гоҳи-гоҳи уйнашар,
Нега уйнар, мендан ўзга пайқамас.

Жон тамошо қилгали чиқмоқ бўлур,
Чиққани қўймас бўлиб кўкрак қафас.

Бахш этар ошиққа янги-янги жон,
Сиз билан суҳбатдаги ҳар бир нафас.

Сохта ошиқ берса гул, олманг уни,
Булмасин гулшанда бундай хору хас.

Кўкка бошим етди олқишлаб букун,
Сизга қарсак узра қарсак гулдирас.

Меҳнатингиз таърифин Чустий билан
Кўйлади ҳар тонгда булбул басма-бас.

ҲЕЧ КИМ НАЗАРДАН ҚОЛМАСИН

Сайр этиб шамсу қамар юрсин, сафардан қолмасин,
Еру кукда офату хавфу хатардан қолмасин,
Эл учун қиргин деган қотил заҳардан қолмасин,
Тинч-омонликнинг дарахти ҳеч самардан қолмасин,
Одам авлодига еттувчи зарардан қолмасин,
Айтинг-айтинг, эл аро ҳеч ким назардан қолмасин.

Кунса гар иқбол қуши ҳатто чивиннинг бошига,
Кургали Семург келгай дейдилар-ку қошига,
Бахту омад таъзим айлар меҳнату бардошига,
Бесабаб тушмас эмиш ҳеч кимнинг оғу ошига.
Одамийда нафси баддек дардисардан қолмасин,
Айтинг-айтинг, эл аро ҳеч ким назардан қолмасин.

Илму фан ё сеҳру афсунларга моҳир бўлса ҳам,
Чеҳрасидан ою офтоб нури зоҳир бўлса ҳам,
Еру кукда ҳар нечук ишларга қодир бўлса ҳам,
Тенги йўқ хонандаю созанда, шоир бўлса ҳам,
Халқ ичинда бўй эгиб таъзим этардан қолмасин,
Айтинг-айтинг, эл аро ҳеч ким назардан қолмасин.

Яхши биткизган каби синган суякни мумиё,
Эл назар ташлаб қаро тупроқни айлар кимё,
Кимё бўлмоқ учун меҳнат керак, элдан дуо,
Бу мусаддасни тараннум айла, Чустий, доимо,
Бахту толенинг дарахти ҳеч самардан қолмасин,
Айтинг-айтинг, эл аро ҳеч ким назардан қолмасин.

БИР ҚАДАМ

Шавқ ила қўйдим ҳаётга бир қадам,
Билдим, иккинчи қадам эрмиш адам.

Дилни бир дилбарга топширдим шу он,
Меҳрига кўнглим уйин этдим ҳарам.

Ёлбориб айдим, юзингдан ол ниқоб,
Ёки дийдоринг кўрай бу субҳидам.

Айди, эй нодон, эй хоки ниҳол,
Айни маънидир сени мажнун десам.

Чунки жонин тутмаса жононига,
Кимга булгай ёридан лутфу карам.

Шул замон жонимга айдим, ёр учун
Чиқ танимдан тўхтамай бир лаҳза ҳам.

Чиқди руҳим дилбар истиқболига,
Кирди ерга, бўлди ғойиб бу танам.

Берди тин ошиққа ёр васлин уйи,
Ишқ элига бунда йуқ ранжу алам.

Топширинг дилни ҳақиқий ёрга,
Кетса жон, қилманг бу йўлда зарра гам.

Алвидо, эй ёру хешу ақрабо,
Ёд этинг Чустийни жами муҳтарам.

БАҶО АЙЛАНГ

Ёронлар, илтимосимни қабул айланг, бажо айланг,
Гуноҳ захмига тавба малҳамин суртиб даво айланг,
Қазо келмай туриб, ҳуш борида тарки хато айланг,
Келинг, дўстлар, ҳақимга фийсабилиллоҳ дуо айланг,
Азал дорул-қазосин ҳукмига дилни ризо айланг.

Азиэлар, йигласангиэ, дод-фарёд айламай йигланг,
Ирода мулкани вайрона, барбод айламай йигланг,
Гуноҳкорликда ўтган умрими ёд айламай йигланг,
Шайотин хайлининг қалбини обод айламай йигланг,
Йиги ўрнига Ҳаққа раҳмат эт, деб илтижо айланг.

Гуноҳ гирдоби тортган қаърига бир нотавон эрдим,
Кўриб яхшилар ичра, яхши дердингиэ, ёмон эрдим,
Ҳануз ажралмаган бугдой бошоғидан сомон эрдим,
Ва лекин фахр этарман, чунки мен беэиён эрдим,
Тавалло шул эрур, дўстлар, дуойи бериё айланг.

Бу айёми мусибатдан олинг, авлодларим, ибрат,
Қилингиэ каттани ҳурмат, кичикларга этинг шафқат,
Ганиматдир, ганиматдир, ганиматдир бу дам, фурсат,
Қачон, қайда, қаю ҳолда киши билмас қилур рихлат,
Бу сўз қадрин билур Чустий, вале сиз ҳам баҳо айланг.

ҲОЖАТРАВОДАН СҮР

Йуқотдинг дилни, эй тан, булма сарсон, дилрабодан сӯр,
У бадноминг нишонин билгучи бир ошнодан сӯр.

Агар ул ошнонинг наздида булса дилинг, э тан,
Отиб тоқингни кўкка, ҳосил ўлган муддаодан сӯр.

Дилим ёр олдида хуб муътабар, деб ҳаволанма,
Ҳаволанмак жазосин хок ўлан аҳли риёдан сӯр.

Булут бағрида нам бўлган билан унмас гиёҳи ишқ,
Уни хоки танинга яшнаган меҳригидан сӯр.

Йуқолсам зиндаликда, изласанг, топгайсан, эй дўстим,
Мақомимни дилимда ўрнаган хавфу ражодан сӯр.

Бараҳна қолдиму, сарсон, қаён боргум билолмасман,
Бу кулфат боисин мендан эмас, Одам Атодан сӯр.

Тур ўрнингдан, қадам қуйй йўлга тез алҳамду лиллоҳ деб,
Бу йўлни охириин йўл бошлаган шамси зуҳодан сӯр.

Ҳаётинг торини чертганда охир не садо чиққай,
Бу сирни интиҳодан сўрма, дўстим, ибтидодан сўр.

Кел, эй Мункар-Накир, кимни қулисан, деб савол этма,
Киму кимни қулиман, эй малак, боргин Худодан сўр.

Қуриб қолмай туриб ўзни денгизга отгил, эй Чустий,
Дилингда ҳожатингни энг улут ҳожатраводан сўр.

У ДИЛДАН КЕЧ

Кишининг бир либоси бор, унинг асло баҳоси йўқ,
Кишида бир касаллик бор, унинг ҳаргиз давоси йўқ.

Яна оламда бир йўқ бор, агар ким топса бу йўқни,
Буюк одам эрур у, фикрининг зарра хатоси йўқ.

Қуёш ботганда ҳам, қалбимда ботмас ишқин офтоби,
Кеча-кундуз алоранг, лек дилимнинг ҳеч алоиси йўқ.

Жаҳонда ўтди қанча ишқ аҳли, ўчмагай номи,
Нигоримнинг назيري йўқ, менингдек мубталоси йўқ.

Висолин богидан келган насим жонимга роҳатдир,
Бу олам боғларин бундай ёқимли хуш ҳавоси йўқ.

Агар дилда муҳаббат бўлмаса, жисм ичра нолойиқ,
У дилдан кеч, қаю дилнинг агар бир дилрабоси йўқ.

Менинг ишқим зуҳурин ибтидосин сўр нигоримдан,
Валекин сўрмагин мендан, бунинг ҳеч интиҳоси йўқ.

Десам не йўқ жаҳонда, дедилар, билсанг ўзинг айт-чи,
Жавобига дедим, Чустий, худойимнинг худоси йўқ.

КЕЛДИМ

Азизлар, бу лаҳадга юз туман армон билан келдим,
Ҳисоби йўқ гуноҳу беадад нуқсон билан келдим.

Қолиб аҳлу аёлим, қасру айвон, молу мулким ҳам,
Кетиб жоним жасаддан, оху минг афгон билан келдим.

Кафандан бошқа ҳеч бир нарса йўқ энди бисотимда,
Кўзимдан кетди нуру, бу тани бежон билан келдим.

Солиб тобутга мурдамни, ўкиб дўстлар жанозамни,
Кутардингиз лаҳад сорига, бу имкон билан келдим.

Эшиги, туйнуги, айвони йўқ бир уйга қўйдингиз,
Бу уйга на тўшак, на ошу на бир нон билан келдим.

Бу ер навбат-банавбат одам авлодини ер эрди,
Лаҳад комига мен ҳам ушбу дастурхон билан келдим.

Умидим, бу қоронгу қабр ичра нур сочур албат,
Дилимда нақш бўлган ояти Қуръон билан келдим.

Мени раҳматли деб, ким эсга олса, унга минг раҳмат,
Ўлимга бўйсунуб, Ҳақ айлаган фармон билан келдим.

Дуода Чустийни ҳам фотиҳангиздан қуруқ қўйманг,
Биҳамдиллоҳ, мусулмон аҳлиман, иймон билан келдим.

БИР ҚАДАМ ЭТДИМ

Килкимни қачон фикрима тобеъ, қарам этдим,
Ишқ аҳлини дафтарга биринчи рақам этдим.

Кимларни кўриб дейди санам аҳли ҳаваслар,
Ёримни севиб, олдида тарки санам этдим.

Машрабга кўзим тушди Намангон чаманида,
Дилдан шу нафас барча гурурим адам этдим.

Чорлаб эди оҳистагина ошиқи барҳақ,
Лаббай, дедим-у завқ ила дийдамни нам этдим.

Бир гул узатиб айтдики, жаннат гулидир бу,
Буйини Намангон эли бирла баҳам этдим.

Булбул шу замон завқ била қилди тараннум,
Дил созини бу суҳбат аро зеру бам этдим.

Наргис кўзидан қисса ёзишга бу чаманда,
Илҳом кўзининг кирпичидан қилқалам этдим.

Ҳижрон йӯли ҳаддан узоқ эрди, деди Машраб,
Умрим қадами бирла ани бир қадам этдим.

Дунё эшиги паст қурилганди йӯлимда,
Ночор ўтиб кетгали бошимни ҳам этдим.

Эл дер эди шоҳ Машрабни девонаю ҳам маст,
Эл кўнгли учун барча дегонини ҳам этдим.

Баднафсу риёкор лаинларни қилиб ҳажв,
Бир нуқта билан мингини ҳам муттаҳам этдим.

Сухбатга Намангон чамани бўлди гувоҳим,
Чустий, бу мулоқотими бир субҳидам этдим.

СЕНДАН КЕЧМАДИМ

Ранжима, эй ёр, сендан кечмадим,
Дилга бок, дилдор, сендан кечмадим.

Ёридан беору беномус кечар,
Менда номус бор, сендан кечмадим.

Синдириб Машраб осилган дорни,
Эй адолатдор, сендан кечмадим.

Сайрадим баъзан тикан устида ҳам,
Лекин, эй гулзор, сендан кечмадим.

Балки жондан кечдим, аммо ҳеч қачон,
Эй пари рухсор, сендан кечмадим.

Чустийдек айбим сени севганлигим,
Бошқаси бекор, сендан кечмадим.

БИР ҚАДАҲ

Бир қадаҳ ичдим қачонким ишқнинг дарёсидан,
Шул замон олдим хабар мен севгининг дунёсидан,
Саъй қилиб ўтдим бу йўлнинг тоғидан, саҳросидан,
Қурқмадим йўлимни тўсган ваҳшилар гавғосидан,
Чунки огоҳ эрди севгим мен каби шайдосидан.

Кеча-кун хизматда ўтсам, арзигаъ бу ёр учун,
Сув кетирсам, кўрмагум хорликни бу гулзор учун,
Бунчалик севмоқ надандир? Ёр миннатдор учун,
Истаса, қурбон қилай жонимни бу дилдор учун,
Соябон қабримга бўлгай бахтнинг раъносидан.

Йўлни ҳимматла супурдим, тўпладим хошоқини,
Ишқ ўти бирла ёқиб, кўкка совурдим хоқини,
Риштаи васлига банд этдим жудолик чоқини,
Игналаб тикдим маломатнинг лаби нопоқини,
Чунки ошиқлар қутилсин шум рақиб игвосидан.

Гайрлар мендан уялди меҳрли ёрим кўриб,
Ҳар сўзига дилда тасдиқ, тилда иқрорим кўриб,
Синди ҳам савдосидан бу хил харидорим кўриб,
Титради душманни қалби, Чустий, ашъорим кўриб,
Ўқ чиқиб санчилди ёвга ҳар сўзим маъносидан.

ЖОННИМА

Гар хиёнат айласам жондан чучук жоннима,
Бошими кессин қилич, ханжар қадалсин жоннима.

Ишқ ўтин утхонаси бўлмиш дилим ёшлиқданоқ,
Кул бўлур кирса ғараз-ла ким бу оташдоннима.

Жону жисмим меҳрини сақлар бу оташхонада,
Бевафолик-ла мунофиқлик келолмас ёнима.

Минг маломат бирла минг игвою бўҳтон, барчаси,
Доғ сололмайди яна минг йилда ҳам виждоннима.

Ҳар баланд тоғни кўчиргил, деб ишорат айласа,
Завқ ила бир гард янглиг қўндирай мижгоннима.

Чорласа бир марта, мен минг марта лаббай, деб борай,
Хуш келурманму дилим тахтидаги султоннима.

Пок ишқига атаб қўнглим уйин қилдим бино,
Ўргилай, Чустий, тасаддуқман гўзал жоннима.

ОМОН БУЛСА

Қилур ишқимни фош кирликка қўнган ёш омон бўлса,
Унутмас ёр ҳуснин кўздаги наққош омон бўлса.

Маломат тошини отгучилар кўп мунча севдинг деб,
Узи бўлгай хижил бир кун оталган тош омон бўлса.

Сирим қалбимни ҳаргиз тирнамас, сайқал берур унга,
Муҳаббат хонасидан бохабар сирдош омон бўлса.

Ёнингдан кетса, майли, иккиюзли баъзи ёлгон дўст,
Азизлар дейдилар: дўппи топилгай бош омон бўлса.

Эл ичра бир мақол бор, усма кетгай, қош қолур дерлар,
Чирой ўзгармагай ҳеч усма кетса, қош омон бўлса.

Толиқмайсан, адашмайсан, улуг манзилга етгайсан,
Ёнингда ҳамсафар доно буюк йўлдош омон бўлса.

Ҳавас айла мудом умри узоқлар умрини, Чустий,
Ошарсан тўқсонун юздан келувчи ёш омон бўлса.

ЧУСТИМЕН

Даврада Фарҳодлик базмин қизитган Чустимен,
Эскилик Хисравларин ерда чиритган Чустимен.

Она батнида эдим, бахтим қуёши сочди нур,
Зарралик вақтимдаёқ мақсадга етган Чустимен.

Ерда тупроқмен ва лекин ҳимматим ойдан баланд,
Кукдаги Зухрога улфатнома битган Чустимен.

Тож эрур бошимда бахтим, бошқа тож даркор эмас,
Чунки ҳурмат-ла бошим осмонга етган Чустимен.

Шеърятнинг қалбига сўз олтинин қуймоқ учун,
Ишқ ўти-ла дил қозонида эритган Чустимен.

Ишқ дарди бедаво, деб наъра урди қанчалар,
Бир назар этганда ёрим, дарди кетган Чустимен.

Бегаразлик-мардимайдонлик, деган бу жумлани
Ҳам уқиб, ҳамда куриб, фаҳмига етган Чустимен.

Чустини тутма белин ҳаргиз гараз бирла рақиб,
Гарчи зурсан, уйқудек тунда йиқитган Чустимен.

ОШКОР ЭТДИМ

Жаҳонга келдим-у, маълум этай, на қилдиму нетдим,
Муҳаббат доясин эмдим, сунин рухий гизо этдим.

Буюклар тутдилар илгим, етаклаб йўлга солдилар,
Муқаддас йўлга бел боғлаб улуг карвон билан кетдим.

Бу йўлда ишқ устози севиб менга қалам берди,
Ташаккурлар қилиб бу илтифотига газал битдим.

Илашган эрди домонимга нафси бад хашак янглиг,
Этакни бу каби олуладан мардона силқитдим.

Бироқ, хобимда тулпор миндим-у, ёзди қанот қушдек,
Қўзимни юмдиму очдим, буюк манзил сари етдим.

Менга бир журъа тегди, айлади ул журъа лойаъқил,
Муҳаббат аҳлидан қолган қадаҳни тоза силқитдим.

Нигорим ишвасин тахтада менга бир кулиб боқди,
Бошимдан ҳажр тоқисин олиб осмонга иргитдим.

Сўзимни фаҳм этар, деб ишқ майдони аро Чустий,
Ниҳон тутмай дилимда ҳарна борим ошкор этдим.

ШИРИНСУХАН БУЛДИМ

Қачонки мушфиқ она қорнида жонсиз бадан булдим,
Кириб жисмимга руҳим, нотавон бир парча тан булдим.

Тугилган кунда йиглардим, ялангоч, талхком эрдим,
Муҳаббат дояси сут берди, бир оз яйраган булдим.

Кузим очдим, ёруғ дунё жилосиз, тийраранг эрди,
Агар-чи, она бағрида эдим, зери туман булдим.

Тилимдан олди ул муҳри сукутни ишқ устози,
Энг аввал: она, она, дедим-у меҳри билан булдим.

Ҳаётнинг воқеъотин бирма-бир айтмоққа ҳожат йўқ,
Гаҳи маъюс, гаҳи мазлум, гаҳи эркин-чапан булдим.

Муҳаббат мактаби менга садоқатдан сабоқ берди,
Уқиб ўргандим, ул кундан асири ушбу фан булдим.

Кузимга жилвагар булди баногоҳ давр Ширини,
Агар чандики ёш эрдим, мисоли кўҳкан булдим.

Машаққат тоғини кесмоқ учун қалбимда аҳд этдим,
Шижоат тешасин ишлатдим-у, рўйинтан бўлдим.

Кузимга хасга ухшарсан, деди ёрим, дедим, балли,
Вале боқдинг-у гул бўлдим, рақибингга тикан бўлдим.

Дилим саҳроси минг марта ташаккур айлабон изҳор,
Деди, эй навбаҳор офтоби, нур сочдинг, чаман бўлдим.

Тилимдан маъни қандини татиб олгил, аё Чустий,
Деди ёр, баҳра олдим, шул сабаб ширинсухан бўлдим.

ЎЗГА ҚАРОР ЭТСАМ

Кабоб улсин кўнгил сендан бўлакни ихтиёр этсам,
Тешилсин, ўтга тушсин дилда бир ўзга қарор этсам.

Деган эрдинг ўзинг ҳам, бу сўзинг кетмас хаёлимдан,
Кўзимдан айрилай ўлмай туриб, ошиқни хор этсам.

Дедилар менга, дилдоринг бўлак бир кимни ёр этмиш,
Бу ёлгондир, бошим кетсин, агар мен эътибор этсам.

Муҳаббат даштида Фарҳодга ухшаб тоғни ағдардим,
Умидим, келгуси Ширинга роҳатли диёр этсам.

Уни саҳро демам, жаннатга бормам, хоки пойинг бор,
Етарманму сенга, ҳиммат-ла чўлни сабзазор этсам.

Кесилсин қўлларим, синсин қалам, кул бўлсин ул дафтар.
Сенинг ишқингдин узга бир газал ёзмоқ шиор этсам.

Муҳаббат номи тоғлар остида қолса эзилмайдир,
Вужудим парчалансин, Чустий, сендан ўзга ёр этсам.

ИНДАМАСЛАР ОЛАМИ

Достон

Индамаслар оламин сайр айладим,
Сайр этиб мен бериё хайр айладим.

Энг ажаб олам экан бу олами,
Сайр қилсин булса ҳар кимнинг гами.

Унда беравзан экан ҳар бир бино,
Ул биноларнинг ичинда йуқ ҳаво.

Суриси йуқ, саҳни йуқ, айвони йуқ,
Ақраболар йуқ, азиз меҳмони йуқ.

Беучоғу бепалосу бетанур,
Бетаому белибосу қайда нур?!

Аксарин томин босибдур хору хас,
Соҳиби бор-ку валекин бенафас.

Томи ҳам, девори ҳам туфроқ эрур,
Эски гордан ҳам қоронғуроқ эрур.

Устида сонсиэ чумоли йўргалар,
Турли-турли қурту қўнгиз урмалар.

Қору ёмғир томларин қилмиш хароб,
Лойга айланмиш тани олижаноб.

Бу бинолар ёнма-ён, катта-кичик,
Баъзиси кимнинг уйи, номи битик.

Баъзисин устида нақшинкорлик,
Санги мрамарга битик ёдгорлик.

Эрми, хотинми, қарими, ёшми,
Ёки жодукузми, қийғоч қошми?

Камбағалми, бойми ё олиммиди,
Ёки ҳоким ё ҳаким, ул ким эди?

Ё гадоми ё ҳалим ёки чапан,
Ким таниб олгай суякнинг рангидан?!

Бир-биридан фарқи йўқ ҳеч кимсанинг,
Пусти йўқ, сўнғак фақат жисми анинг.

Минг такаббур бўлса ҳам даъвоси йўқ,
Нозанинлар нозу истиғноси йўқ.

Макр этишга ҳоли йўқ маккорнинг,
Ҳоли йўқ тоат учун диндорнинг.

Бир нафар ҳам оғзи сассиқ маст йўқ,
Суккучи тил, ургучи зур даст йўқ.

Қўйди-чиқди йўқ бунинг рўзгорида,
Урди-йиқди йўқ бунинг бозорида.

Бирни юзга, юзни мингга сотгучи,
Ажралиб сармойдан жим ётгучи.

Элни беҳуда маломат айлаган,
Оғзидан гул ўрнига чиқмиш тикан.

Кимсада йўқ мадҳу васфу лофу қоф,
Йўқ гараз ҳам дағдага, жангу масоф.

Кўзгу йўқ деворида, кўрмас ўзин,
Қанча кир бўлсин, ювомайдуր юзин.

Беш қўлин оғзига тиққан нафсибад,
Комига туфроқ тўлибдуր то абад.

Ким риёкору мунофиқ, беҳаё,
Қолмиш элнинг лаънатига доимо.

Беадаб безорию хулқи ёмон,
Улфати бўлмиш у манзилда илон.

Бунда мансаб йўқ, хушомадгўй йўқ,
Зебу зийнат бирла рангу бўй йўқ.

Бунда йуқ ҳеч кимга таҳқири назар,
Хор кимдур, билмадим ким муътабар.

Балки майгун лабдан унмиш лолалар,
Лола юзлар қайда, йуқдур волалар.

Жим ётур манман деган боз-бозлар,
Бетида туфроқ эрур пардозлар.

Тадбиру пуркорлик қул келмамиш,
Ҳийлаю айёрлик қул келмамиш.

Ишлатолмай тилни игвогар хамуш,
Қолмамиш оқилда ҳам бир ақлу хуш.

Қул узатмайдур тамаъ бирлан гадо,
Йуқ сахо аҳлида ҳам лутфу сахо.

Пора-пора порахурлар жисми ҳам,
Эл аро буткул йуқолмиш исми ҳам.

Ноилож золим ётибдур бемажол,
Нотавон маълумда ҳам йуқ қийлу қол.

Оғзида туфроқ хасис, очкӯз, бахил,
Ҳаммасин ер ебди қуймай йилма-йил.

Алдаёлмасдан ётур алдоқчилар,
Коми қум тўлган ётур айғоқчилар.

Қуйнида йуқдур қаламқаш дафтари,
Йуқ әрур қонхур қулида ханжари.

Йуқ уларда ихтиёру иқтидор,
Қишми, кузми, беҳабар, ёзми, баҳор.

Қанча минг йиллар әрурким, кун ботур,
Қанча минг йиллар әрурким, тонг отур.

Кеча-кундуздан хабарсиздур улар,
Буткул әрмас бу тасаввур, мухтасар.

Тек ётур, хомуш ётур, жим-жит ётур,
Туфрогин баъзан шамол бир қўзғотур.

Ота-она бирла фарзанд бир-бирин
Чехрасига ташлаёлмас қўз қирин.

Әру хотин бирла хешу ақрабо
Бир-биридан беҳабардур мутлақо.

Бу сўзим әрмас хурофотдан дарак,
Бу ҳақиқат олами, ибрат демак.

Соатий бунда саёҳат айладим,
Не саёҳат, минг надомат айладим.

Қузда ёшим бўлган эрди пардадор,
Йиглади дил парда ичра зор-зор.

Ваҳмдан лекин тетик тутдим ўзим,
Бир томонга ногаҳон тушди кўзим.

Бир маконки, менга булди жилвагар,
Устидан унмишму гўё найшакар.

Курдиму, кўнглимга етди бир сурур,
Жилваси қалбим аро бахш этди нур.

“Кел” дегандек бўлди менга шул замон,
Бу нидони тинглади жисмимда жон.

Кўз юмиб шул дам дедим: “Эй найнавоз,
Най рамузидан хабар бергил бироз.

Не сабаб жойингда ўзга файз бор,
Бу маконинг нега гўё лолазор?

Сен ким эрдинг бунга келмасдан бурун,
Бир хабар бер менга ҳолингдан бу кун”.

Деб кўзим юмдим қилиб бошимни хам,
Келди гўё менга бир овоз шу дам.

Айди: “Эй фарзанди қобил, тинглагил,
Не десам мен, зарра шак келтирмагил.

Авалло мен поку беозор эдим,
Элни шод этгучи парҳезкор эдим.

Умр утказдим ҳалол меҳнат билан,
Элни хурсанд айладим санъат билан.

Доимо қилдим бахилликдан ҳазар,
Яхшилиқни ўйладим шому саҳар.

Ота-она дилларин шод айладим,
Руҳларин ҳар лаҳзада ёд айладим.

Яхши ният эрди қалбимда чироқ,
Мен эдим кина-кудуратдан йироқ.

Ҳеч бир инсонга хиёнат қилмадим,
Ҳеч ёмон ишларга одат қилмадим.

Эл учун ҳар ишда қилдим мардлик,
Қилмадим нокаслигу номардлик.

Тугри йул бирлан кечирдим мен ҳаёт,
Юрту халқим менга қилди илтифот.

Менда ҳаргиз йўқ эди кибру ҳаво,
Шул сабабдан булди эл мендан ризо.

Шул сабаблардан маконим файзлиқ,
Қил амал сенда агар булса билиқ".

Бу рамузни най тили бирла деди,
Индамаслар олами хомуш эди.

Ногаҳон келди бир овози ҳазин:
“Тут қулоқ бир лаҳза мен ҳам айтийин:

Бор эди севган қатор фарзандларим,
Кўзларимнинг нурию дилбандларим.

Эркалатдим, меҳрибонлик айладим,
Сизладим, ширинзабонлик айладим.

Бир совуқ шаббода ҳам кўрмай раво,
Хасталанса, тинмай истардим даво.

Ўстирардим минг машаққатлар билан,
Кўлларим бошида, шафқатлар билан.

Гоҳи озгин, гоҳи тўзгин мен ўзим,
Янги кийсин, деб жигарбандим, кўзим.

Гоҳи пулдор, гоҳи бўлдим қарздор,
Юз берарди турли ташвишлар қатор.

Вояга етгунча у кўз қоралар,
Қоматим ҳам бўлди, бағрим поралар.

Қолдирарман, деб уларга боғу рог,
Мен олиб келдим дилимда қанча доғ.

Қолди унда зарнигор кошона ҳам,
Қолди ёру ошино, бегона ҳам.

Ризқ учун ёлгон-яшиқ сўз ишлатиб,
Баъзида бир пул учун бошим қотиб.

Думпайиб турган шу туфроқ пастида,
Мен ётибдурман оёқлар остида.

Келмади, йилдур кўзимнинг равшани,
Яъни, у фарзанди дилбандлар қани?

Бу маконим устига бир йўл қара,
Борми айт, ҳатто ёғочдан панжара?"

Деб мени ҳайрону лол айлар эди,
Бу тасаввур поймол айлар эди.

Узга ёндан келди шул дам бир нидо,
Айди менга, тут қулогинг мутлақо:

"Бу садо жондан келур, инсон, эшит,
Эй тирик юрган, тирик қадрига ет!

Эсласин руҳимни авлодим, десанг,
Ўтган аждодингни сен ҳам ҳурмат эт!"

Мен бу маънони эшитдим жон билан,
Ҳам қабул этдим буни виждон билан.

Элга ҳам бул сўзни изҳор айладим,
Бир эмас, такрор-такрор айладим.

Индамаслар оламига сол назар,
Сен ўзингдан қил уларни баҳравар.

Ота-она руҳин эсла, шод қил,
Яъни, ётган масканин обод қил!

Қуз очиб бу уй-у бу фикрат билан,
Ташқари қўйдим қадам ҳайрат билан.

Мен дедим: “Кел, Чустие, ҳушёр бўл,
Яхши ният бирла беозор бўл.

Тугри бул, қилғил ёмонликдан ҳазар,
Эл мазоринг лавҳига раҳмат ёзар”.

МУҶДАРИҶА

Чустий ҳақида сӯз. Э.Воҳидов.....	3
Кунгил садоси.....	6
Рамуз.....	7
Оёгин упди.....	9
Таъриф қуши.....	10
Сендан бўлакни севмадим.....	11
Гузал кўзлар.....	12
Аруз илҳоми.....	13
Юрагим сӯзи.....	15
Камтарин бўл.....	17
Касал тилингда.....	20
Уйлаганимсан.....	23
Юрак дафтаримдан.....	24
Ким етдию, ким етмади.....	26
Ким кейин, ким илгари.....	28
Қурқ.....	30
Иўқолмайсан.....	31
Яхши ота-онадир.....	33
Ота ҳурмати.....	34
Фидо бўлдим.....	35

Нолима	36
Жон углим.....	38
Ақли расо бұлсин.....	40
Оқибатни ким билур?	42
Узма ҳаргиз.....	44
Ақли расоларнинг иши.....	45
Яхши	46
Дил тараннуми	47
Не керак.....	49
Танҳо бўлмагил.....	50
Не етсин.....	52
Давлати кам бўлмасин	53
Дам ганимат	55
Кузингдан.....	57
Муҳаббатнома	58
Панд.....	60
Қараб қўй.....	61
Муддаолардан ҳали.....	63
Кўргунча, хайр энди	65
Кимни изларсиз?.....	67
Хонадондан бошланур	68
Минг балони енгади.....	70
Булурми.....	72
Зерикмасинлар	73
Фарзанд учун.....	74
Улфатинг	76
Даво қилур	78
Уйғот мени	79

Садаганг бўлай, нигорим	80
Танлаб ол	81
Жонон уйгонур	83
Дилни бежо қилмадим	85
Эҳтиром этмас	86
Юрак тилаги	88
Назора қилсам	89
Менга муносиб	90
Уйқудан	91
Уйнаганда	92
Ёшни	93
Кам бўлармиди	95
Кулдирса ҳам	96
Йулчи карвонман	97
Увол этма	98
Қасам	99
Най	100
Қадрин билмаса	102
Бўлса, бас	103
Йўқмикан?!	105
Овора бўлма, дейди	106
Севмай бўлурми сизни	107
Узим, деди	108
Ошно чиқмас	109
Муҳтож ўлмагай	110
Сурмага муҳтож эмас	112
Ҳеч ким назардан қолмасин	113
Бир қадам	115

Баҳо айланг!	117
Ҳожатраводан сўр.....	118
У дилдан кеч.....	120
Келдим	121
Бир қадам этдим.....	122
Сендан кечмадим	124
Бир қадах.....	125
Жононима.....	126
Омон булса	127
Чустимен	128
Ошкор этдим	129
Ширинсухан булдим	130
Узга қарор этсам.....	132
Индамаслар олами (Достон)	133

Адабий-бадий нашр

Чустий

МУҲАББАТНОМА

ДЕВОН

Муҳаррир *Носиржон Жураев*

Бадий муҳаррир *Шухрат Мирфайёзов*

Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*

Мусаҳҳиҳ *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Умида Валижонова*

*Ушбу китоб «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда
Миллий эстрадани ривожлантириш ва мувофиқлаштириш
кенгаши ҳамкорлигида нашр этилди.*

Нашриёт лицензия рақами А1. № 154. 14.08.09.

2013 йил 23 августда босишга рухсат этилди.

Бичими 70x108 $\frac{1}{32}$. Academy гарнитураси. Офсет босма.

6.47 шартли босма тобоқ. 3,06 нашр тобоғи.

Адади 2000 нусха. 305 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кучаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz